O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ВА ҚОНУН

2001 йил 20 НОЯБР сешанба № 47 (251) Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

ШАРҚОНА ДЕМОКРАТИЯ НАМУНАСИ

Биз — ўзбеклар азал-азалдан жамоа руҳида тарбияланган халқимиз. Халқимизда кўпчиликнинг манфаати якка шахснинг манфаатидан улуғ, кўпчиликнинг фикри бир кишининг фикрига нисбатан мўътабар саналган. Айни пайтда жамоа бошлиғининг жамоа мулоҳазаси асосида қабул қилган қарори муҳим аҳамиятга эга бўлган. Миллий қадриятларимизнинг бир қирраси ҳисобланмиш шарқона демократия ана шу заминда пайдо бўлган ва ривожланган. Бу анъана ҳозир ҳам давом этаяпди.

Президентимизнинг Иккинчи чақириқ Республика Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, жиноий-ҳуқуқий жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги маърузаси ана шу шарқона демократиянинг олий намунаси ҳисобланади.

Одатда бирор мамлакатнинг бойлиги ёки қашшоқлиги ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда иқтисодий омиллар — эгаллаган ҳудуди, табиий иқлими, ер остидаги маъданларнинг тури ва заҳиралари, шаҳар ва қишлоқларнинг, саноат корхоналарининг сони, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг миқдори, заминида унадиган ноз-неъматларининг хили тилга олинади. Бир қарашда, бу тўғри муносабатдай туюлади.

Аммо курраи заминдаги кўплаб юртларга назар солиниб, ижтимоий ва иқтисодий салоҳияти бир-бирига қиёсланса, ҳар қандай мамлакатнинг энг биринчи ва асл бойлиги фуқаролари экани, айни пайтда аҳолининг сони эмас, сифати ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани аён бўлади.

Чиндан ҳам, қайси минтақа, қандай табиий шароитда бўлишидан қатъи назар, билимдон, иймон-эътиқоди бутун, меҳр-оқибати юксак, меҳнатсевар, тадбиркор, тинчликсевар фуқаролари бор юрт — энг бой ва қудратли давлатдир.

Демак, халқ халққа, миллат миллатга айланиши, ўз юртининг чинакам соҳиби бўлиши учун жамиятнинг маънавий поклиги, инсоний қадриятларнинг устуворлигига ҳам эришиш лозим бўлар экан. Бу борадаги маъсулият эса энг аввало, давлатнинг зиммасига тушади. Адолатпарвар, инсонпарвар ҳокимиятгина кучли, салоҳиятли жамият барпо этилишини таъминлайди.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда давлат ва халқнинг муштараклигига эришиш ижтимоий-сиёсий соҳадаги ислоҳотларнинг устувор йўналиши сифатида белгиланди ва бу муддао мамлакатимиз Конституциясидаги **"Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади"** (1-боб 2-модда), **"Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир"** (2 боб 7-модда) деб ёзилган сўзларда ўзининг қонуний асосини топди.

Дарҳақиқат, жамиятда демократия ва ижтимоий адолатни қарор топтиришдан кўзланган асосий мақсад ҳам давлат томонидан халқнинг ҳақ-ҳуқуқлари тўлиқ ҳимоя этилишини таъминлаш, мамлакат ҳудудида яшайдиган барча фуқароларга жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахс ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар тенгликда эркин ва фаровон турмуш кечириши учун шарт-шароит яратиб беришдан иборатдир.

Шундай воқеалар, ҳодисалар бўладики, уларнинг моҳиятини икки оғиз сўз билан баён этиш кифоя қилмайди. Балки теранроқ мушоҳада ва қиёслаш йўли билан унинг фазилатларини тўлақонли ифодалаш мумкин.

Маълумки, инсоният минг-минг йиллардан буён адолат қарор топган ажойиб бир жамиятда яшашни орзу қилиб келади, шунга талпинади. Бу тушунчанинг зиммасига ҳам оддийгина вазифаларни юклаган: биров бировнинг ҳақини емаса, тинчини бузмаса, эмин-эркин яшаса, эртанги кунидан хавотирга тушмаса, ҳар ким ўз меҳнатининг мевасидан баҳраманд бўлса, роҳатини кўрса, бас. Узоқ ўтмишда кечган жамики катта-кичик қурашларнинг (урушларнинг эмас) замирида ҳам аслида адолатни тиклаш йўлидаги ҳаракат ётади.

Аммо бу йўлда жуда кўп бор адашилди. Инсониятни турли раҳнамолар, турли ғояларнинг эгалари жуда кўп бор чалғитишди, алдашди. Жозибадор шиорлар, оҳанрабо ваъдалар билан чалғитиб, қонга ботиришди. Бу фикрларни исботлаш учун жаҳон халқларининг тарихи саҳифаларини бирма-бир варақлаш лозим бўлади. Афсуски, бу осон иш эмас.

Ҳатто ўзбек халқининг кечмишини ҳам йилма-йил таҳлил этишнинг имкони йўқ. Фақат йигирманчи асрнинг ўзида бу халқ неча бор алдовларнинг қурбони бўлганини эслашнинг ўзи даҳшатлидир. Чунончи, халқнинг ғам-ташвишини еган, унинг бахт-саодатини истаган, шунга йўл излаган улуғ инсонлар пировардида "халқ душмани" тамғаси остида қурбон қилинди, жамиятнинг истиқболини ўйлаган киши эса жамиятнинг ғаними сифатида тавқилаънатга гирифтор бўлди.

(Давоми иккинчи бетда)



Юртимиз манзаралари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан шу йил 16-17 ноябр кунлари расмий ташриф билан Қозоғистонда бўлди.

* * *

18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганига 10 йил тўлди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Оксаройда Буюк Британия мудофаа вазири Жефри Хунни қабул қилди.

* * *

Миллий матбуот марказида ҳиндистонлик журналист Алок Шекҳарнинг ҳинд тилида чоп этилган **"Ўзбекистон: муваффақиятлар солномаси"** китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

* * *

"Ўзкўргазмасавдо" савдо марказида дори-дармон ва тиббиёт асбоб-ускуналари кўргазмаси ўтказилди.

* * *

Ўзбекистон ва Жанубий Корея Республикаси ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида Жанубий Корея ҳукумати мамлакатимизга 1,5 миллион АҚШ доллари миқдорида инсонпарварликка йўналтирилган кўмак кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

* * *

Афғонистондаги Шимолий Альянс намоёндалари мамлакатни вақтинчалик ҳукумат эмас, балки ҳозирча ҳарбий кенгаш бошқаради, дея баёнот берди.

Эътироф

ДЎСТ КУЛФАТДА СИНАЛАДИ

Мамлакатимиз ҳукуматининг бевосита ташаббуси билан афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш кўприги ташкил этилди. Афғонистоннинг шимолий қисми ҳудудлари "Толибон" жангарларидан озод қилингач, жафокаш афғон халқига Амударё орқали инсонпарварлик юклари жўнатилмоқда. Ўзбекистон ушбу ёрдамни мувофиқлаштирмоқда. Шу муносабат билан Термиз шаҳрида мувофиқлаштириш маркази ташкил этилди. Инсонпарварлик ёрдами ишларини жўнатиш тафсилотларини ёритиш учун ҳозирги кунда кўплаб хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари мамлакатимизга ташриф буюрган.

Улар орасида Швеция миллий радиоэшттиришлар компаниясининг хорижий эшиттиришлар бўйича вакили Бенгт Тернер ҳам бор. У дунёнинг 60 дан зиёд мамлакатида, жумладан, Ангола, Афғонистон, Сянган, Корея, ЖАР, Хитой, Миср, Фаластин каби давлатларида мухбир бўлиб ишлаган.

Қуйида швециялик Бенгт Тернернинг фикрларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Терроризм — моҳиятан куч ишлатиш йўл билан ўзгалар ҳаётига таҳдид қилиш демакдир. Террорчилар азалдан айбсиз кишиларнинг ҳаётига қасд қилишни мақсад қилиб олишган.

Бугунги кунга келиб, терроризм асримиз вабосига айланди. Бу ёвуз ҳаракат дунё бўйлаб ёйилди. Ёвузлик қаерда содир этилмасин, тараққийпарвар инсониятни ташвишга солади. 11 сентябрь воқеалари муносабати билан халқаро террорчиларга қарши кураш бошланди. Ўзбекистон ҳукумати АҚШ ҳукуматининг таклифига кўра бу умумий хавф-хатарга қарши курашда АҚШ билан ҳамкорлик қилишда якдил эканлигини маълум қилди. Ўзбекистон ҳукуматининг бу борадаги ташаббуслари мамлакатингизнинг халқаро миқёсидаги обрў-эътиборини янада ошириди. Ўзбекистон Президентининг бу борадаги ташаббуслари дунёнинг нуфузли давлатлари раҳбарлари, халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилиши бежиз эмас.

Шу нарса аёнки, жафокаш афғон халқи урушлар жароҳатидан ташқари бир неча йилдирки, қурғоқчилик жабрини ҳам тортмоқда. Бизни шу нарса ҳаяжонга солдики, Ўзбекистон шундай оғир бир вазиятда афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишнинг халқаро марказига айланди. Термиз шаҳридан ҳар куни Амударё орқали минг тонналик сут, озиқ-овқат маҳсулотлари, қишки кийим-кечак, палата ва бошқа энг керакли нарсалар жўнатилмоқда. Бундай ёрдам асосан БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан уюштирилмоқда.

Швед-афғон жамияти ҳам бир неча йилдан буён Афғонистонда иш олиб боради. Ушбу жамият бу ерда мактаб, шифохоналар очиш, болалар, ўқитувчиларни ўқитиш, аҳолини даволаш ишлари билан шуғулланади. Айни кунларда мазкур жамият томонидан Афғонистонга (140 та отдан иборат) дори-дармон юкланган карвон жўнатилди.

Барча тараққийпарвар инсонлар Афғонистоннинг тинч ва сиёсий барқарор мамлакат бўлишини хоҳлайди. Террорчилик уяларининг таг-туби билан вайрон этилиши шу минтақада ривожланишнинг янги имкониятларини юзага келтиради.

Камина 1994-98 йилларда Афғонистонда ишлаганман. Кузатишларим шундан дарак берадики, бу ерда тинчлик ўрнатиш осон кечмаса керак. Бу ҳаракат чирмовуқ каби бошқа бир жойда илдиз отиши мумкин. Шу боис халқаро терроризмга қарши курашиш кўламини янада кенгайтириш тақоза этилади.

Шуни мамнуният билан изҳор этишим лозимки, Ўзбекистон, ўзбек халқи менда чуқур таассурот қолдирди. Бу мамлакатнинг табиати ниҳоятда сўлим, халқи эса ғоят меҳнаткаш экан. Ҳар бир қадамда бунёдкорлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик туйғуси ниҳоятда кучли эканлигини ҳис қилиб турибман. Қўшни халқ бошига мусибат тушганда унга қандай ёрдам кўрсатиш намунасини кўриб турибмиз. Шуни мамнуният билан эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон ҳукумати қўшни мамлакатга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга қаратилган кучларни мувофиқлаштира олди. Воқеаларни кўриб, кузатар эканмиз, ўзбек халқининг дўст бошига кулфат тушганда синалади, деган мақоли мазмунини чақишга ҳаракат қилдик.

Сўзимнинг ниҳоясида шу нарсани алоҳида таъкидлашни истардимки, баъзи хорижий оммавий ахборот воситаларида Афғонистон теварагида бўлаётган воқеаларга нисбатан Ўзбекистон ҳукуматининг позицияси ноҳолис, бирёқлама ёритилмоқда. Баъзан уйдирмалар ҳам уюштирилмоқда. Воқеаларда иштирок этар, кузатар эканман, Ўзбекистоннинг позицияси энг тўғри ва ишончли эканига амин бўлдим. Кези келганда шуни алоҳида таъкидлашим жоизки, биз журналистлар бундай бир ёқлама ёндашувларга жавобан холис сўзнинг қудратини кўрсатишимиз лозим.

Шу сонга хабар

ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети ҳуқуқшунослик факультетида **"Барқарорликнинг муҳим шарти — терроризм хавфидан холи бўлиш"** мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

Самарқанд шаҳар жамоатчилик вакиллари, университет ўқитувчи ва талабалари иштирок этган ушбу анжуманда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси Узоқ Бозоров **"Президент кўрсатмалари асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш соҳасидаги вазифалар"** мавзуида маъруза қилди. Нотиқ мактаб, мактабгача тарбия муассасалари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида Конституцияни ўрганиш долзарб вазифа эканлигига тўхталди. Конституциявий тузумга нисбатан қилинадиган ҳар қандай ҳаракат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунларига биноан жазосиз қолмаслигини таъкидлади.

Шунингдек, анжуманда вилоят прокурори ўринбосари Акбар Азизов "Терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш, огоҳликка давъат" мавзуида чиқиш қилди. Бундан ташқари, юридик фанлари номзоди Али Зулфиқоров, вилоят бош имом хатиби Усмонхон Олимхон, вилоят прокуратураси масъул ходими Хуршид Субхонқуловлар терроризмга қарши курашнинг халқаро ҳуқуқий воситалари, жойлардаги аҳвол, ҳушёрлик ва яна ҳушёрлик юзасидан баён этган фикрлари огоҳлик мавсумий эмас, доимий иш эканлиги билан анжуман иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Ўз мухбиримиз

Адлия тизими

САМАРҚАНД

Шу йилнинг октябр ойида вилоят адлия бошқармасининг "Ишонч" телефони орқали тадбиркорлардан ўн битта мурожаат қабул қилинди. Уларни қизиқтирган саволларга вақтида жавоб берилди. Бештаси бўйича кейинчалик расмий равишда аризалар олинди. Йил бошидан буён бошқармага "Ишонч" телефони орқали жами 143 та мурожаат қайд этилган.

* * *

Ўтган бир ойда бошқармага хўжалик юритувчи субъектлардан жами 35 та ариза ва шикоятлар келиб тушган. Ана шу ариза-шикоятларнинг биттаси ноқонуний текшириш хусусида бўлса, аксарияти ер ва кредит масаласи ҳамда давлат рўйхатига олиш ҳақидадир.

* * *

Адлия бошқармаси ўтган биргина октябр ойида дебиторлик қарзларини тўламаганлиги ва шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаганлиги учун хўжалик судига 70 та даъво аризаси киритди.

«ИНСОН ВА ҚОНУН»ГА...

ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси "Инсон ва қонун" газетасининг 2001 йил 6 ноябр сонида чоп этилган **"Ямоқчининг ишини сувоқчи билмас..."** номли мақолада баён этилган маълумотларни ўрганиб чиқиб, шуни маълум қиладики, ўтган ўқув йили бошида Бандихон туман халқ таълими бўлими ўқитувчиларни тоифадан ўтказиш даврида сиртдан ўқиётганлик ҳақидаги маълумотнома ва дипломларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш учун туман прокуратурасига мурожаат этган.

Шу асосда туман прокуратураси мактабларда ишлаётган ўқитувчиларнинг дипломлари ҳамда сиртдан ўқиш билан бирга меҳнат қилаётган ўқитувчиларнинг ўқув юртлари томонидан берилган маълумотномаларини ўрганиб чиққан.

Ушбу текиришлар жараёнида ҳақиқатдан ҳам, тумандаги 6,14,20-мактабларда ишлаб келаётган Бўрон Бойназаров, Манзура Бозорова, Раҳматулло Тошпўлатов, Саломат Эргашева, Камолиддин Қаршиев ва Келдиёр Абдумуродовларнинг сохта ҳужжатлар (диплом, маълумотномалар) билан ишга қабул қилинганликлари аниқланган.

Туман прокурорининг тақдимномасига мувофиқ, Мастура Бозорова туман халқ таълими бўлимининг 2000 йил 6 октябрдаги 51-буйруқнинг 1-банди, Саломат Эргашева 2000 йил 15 декабрдаги 58-буйруқнинг 5-банди, Бўрон Бойназаров 2001 йил 12 январдаги 63-буйруқнинг 2-банди, Камолиддин Қаршиев, Келдиёр Абдумуродов, Раҳматулло Тошпўлатовлар 2001 йил 20 январдаги 64-буйруқнинг 3,4,5-бандлари билан вазифаларидан озод этилган ва ноқонуний олинган ойлик маошлари мақолада кўрсатилганидек, қонуний ундириб олинган ва олинмоқда.

23-мактаб директори лавозимида ишлаб келган Хурсанд Тўраев ноқонуний диплом сотишда воситачи бўлганлиги учун туман халқ таълими бўлимининг 2001 йил 21 августдаги 106-буйруғи билан вазифасидан озод этилди.

С.ИНОЯТОВА,
Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи

ШИКОЯТ ЁЗАДИЛАР

Мен Узун туманининг Ёшлик кўчасидаги 14/9-уйда яшайман. Оилам, икки нафар фарзандим бор. Сизларга ёрдам сўраб мурожаат қилмоқдаман. Гап шундаки, 2000 йил 7 декабр куни Денов тумани фуқароси Эшқобилов Дилмуроднинг айби билан автоҳалокат содир этилиб, менинг шахсий "Тико" автомашинамга катта миқдорда моддий зарар етказилди. Ушбу иш 2001 йилнинг 27 мартида жиноят ишлари бўйича Қизириқ туман суди томонидан кўрилди ва машинамга етказилган 721240 сўмлик моддий зарарни айбдор Д.Эшқобиловдан ундириб бериш ҳақида ҳукм чиқарилди. Ҳукмни жиноят ишлари бўйича вилоят суди тасдиқлаб, 2001 йил 3 июнда 160-сонли ижро варақасини Денов туман судига ижро этиш учун юборди. Лекин шу кунга қадар суд ҳукми ижро этилмади.

Мен бу ҳақда бир қанча ташкилотларга мурожаат қилганман. Вилоят суд департаментидан 1 июлгача, 1 августгача, 5 сентябргача ҳал қилинади, деган жавобларни олдим ва навбати билан бу муддатларни кутдим. Афсуски, ҳозиргача натижаси бўлмади. Яна юқори ташкилотга мурожаат этишга мажбур бўлиб, сентябр ойида пойтахтдаги тегишли ташкилотларга йўллаган шошилинчномамга жавоб ҳам олдим.

Яна шуни айтишим жоизки, автоҳалокат содир этилганда Д.Эшқобилов отасининг номига расмийлаштирилган "Жигули" маркали машинани ишонч қоғози асосида бошқарган. Менинг машинамга етказилган моддий зарарни тўламасдан туриб, ички ишлар ходимлари ҳам Д.Эшқобиловга машинани олишга рухсат бериб юборишди... Машинасини қаергадир яшириб қўйган Х.Эшқобилов энди "тўлашга қурбим етмайди", дея баҳона қилмоқда. Мен автоҳалокат содир бўлгандан сўнг ўтган 11 ойдан буён ишсиз юрибман ва ҳали ишсиз юрган давримдаги моддий зарарни ундириб бериш ҳақида фуқаролик судига ариза берганим йўқ. Ушбу масалада амалий ёрдамларингизни кутиб,

Фахриддин АЗИЗОВ,
Сурхондарё вилояти, Узун тумани

Адлия тизими

ТАДБИРКОР ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси самарали ишларни амалга оширмоқда.

Жумладан, ер ололмаётганлик ҳақида 5 та ҳамда чорва моллари сони кўпайганлиги сабабли қўшимча ер олиш тўғрисидаги 4 та ариза юзасидан туман ҳокимларига хат жўнатилди. Вилоят хўжалик суди орқали туман ҳокимларининг фаолияти текшириб кўрилиши натижасида нотўғри чиқарилган бир қанча қарорлари бекор қилинди. Шунингдек, фермер хўжаликларидан ноқонуний олиб қўйилган ерлар қайтариб берилди.

Умуман олганда, тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш юзасидан тегишли идораларга 64 та тақдимнома юборилиб, уч нафар мансабдор шахсни маъмурий жавобгарликка ва уч нафарини жиноий жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киритилди. Ўтган ўн ой мобайнида фуқароларга етказилган 19 миллион 685 минг 773 сўмни ундириш ҳақида фуқаролик судларига 22 та даъво аризаси киритилди.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, вилоят хўжалик судига эса Термиз тумани ҳокимининг қарорини бекор қилиш ва фермер хўжалигининг ер участкасини қайтариб бериш ҳақида 4 та, 72 миллион 127 минг 595 сўмни ундириш ҳақида эса 34 та даъво аризаси киритилди. Ушбу даъво аризаларининг хўжалик суди томонидан 31 миллион 667 минг 139 сўми, фуқаролик судларига киритилган даъво аризаларининг эса 2 миллион 102 минг 484 сўми қаноатлантирилди.

Адлия вазирлигида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил февралида қабул қилинган қарорига мувофиқ Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бошқармаси ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, бошқарма мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг муносиб ҳимоячисига айланиб улгурди. Хусусан, жорий йилнинг тўққиз ойида бошқарма ва унинг жойлардаги идораларига ҳуқуқлари бузилган тадбиркорлардан 2 мингдан зиёд ариза ва шикоят келиб тушди. Бошқарма ходимлари бу аризаларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқди ва бугунгача мингдан зиёд тадбиркорнинг ҳақ-ҳуқуқларини тўла тиклашга эришди.

— Ўтган муддат мобайнида тадбиркорларга етказилган моддий, маънавий зарарлар ҳамда бой берилган фойдани ундириб бериш юзасидан судларга 1700 дан ортиқ даъво аризаси киритилди, — дейди бошқарма бўлим бошлиғи Раҳимқул Тошбоев. — Натижада ишбилармонлар фойдасига 232 миллион сўмдан ортиқ моддий зарар, 10 миллион сўмдан ортиқ бой берилган фойда ундириб берилди. 13 миллион сўм эса тадбиркорларга етказилган маънавий зарар учун тўланди. Эътиборли жиҳати шундаки, бундай зарарлар давлатнинг ёки тегишли ташкилотнинг ҳисобидан эмас, балки тадбиркорларга моддий ёки маънавий зарар етишига бевосита сабабчи бўлган мансабдор шахсларнинг ҳамёнидан ундирилишига алоҳида аҳамият берилди.

Бу борада жорий йилда 5 та вилоятда текшириш ўтказилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан вилоят ҳокимликларига тақдимномалар киритилди. Натижада 922 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди. 114 нафар мансабдор шахс эса вазифасидан озод қилинди.

Шунингдек, тадбиркорларни рўйхатга олиш жараёнида 18 минг ҳолатда рўйхатга олиш муддати ва тартиби бузилгани, 2003 ҳолатда мансабдор шахслар томонидан тадбиркорлар маблағига ноқонуний равишда дахл қилингани, 1600 бор эса тадбиркорлар ноқонуний тарзда маъмурий жавобгарликка тортилгани аниқланди.

ЎзА мухбири

«ИНСОН ВА ҚОНУН»

ёй ёй

катта йўлга тараддуд кўраётир.

Сиз-чи, азиз муштарий?

Агар бизга келгуси йилда ҳам ҳамроҳ, ҳамфикр ва ҳаммаслак бўлишни ният қилсангиз, "Инсон ва қонун" газетасига 2002 йил учун обуна бўлишга шошилинг!

ШАРҚОНА ДЕМОКРАТИЯ НАМУНАСИ

(Боши биринчи бетда)

Агар шўро даврини эсласак, баланд-баланд биноларнинг пештоқига одам бўйи ҳарфлар билан "Партия билан халқ бирдамдир" деган шиорлар ёзилган бўларди. Аммо, бу бирдамлик ҳаётда қай тарзда ифодасини топганини ўша пайтда ҳам, бугун ҳам ҳеч ким шарҳлаб бера олмайди. Чунки тўлиғича коммунистик партияга бўйсунган, унинг ғояси ва мафкурасини амалга оширишнинг қуроли бўлган давлат халқни, унинг эркинлик ва манфаатларини ҳимоя қилиш эмас, балки жазолаш, муттасил қўрқув ва таҳлика воситасига айланган эди. Шўро тузумида эркинликдан кўра жазо, марҳаматдан кўра таҳқир устувор эдики, ҳатто оддий фуқаролар тугул раҳбарлар ҳам эртаги кунини хавотир билан кутиб яшашга маҳкум эди.

Бир сўз билан айтганда, ўзини дабдабали равишда "халқ ҳокимияти" деб атаган, аслида эса халқнинг интилишларига минглаб кўзга кўринмас тўсиқлар ўрнатган, ҳар қандай шахснинг "мен"лигини барбод қилишга, "эл қатори" одамга айлантиришга уринган шўро тизимининг сиёсати кўзбўямачилик, мунофиқлик ва ёлғончиликка асосланган бўлиб, буни турли йўллар билан ниқоблашга уринарди.

Бу бежиз эмасди. Мулк тўла-тўкис давлатники бўлиб, фуқаролар эса давлатнинг ташкилот ва муассасаларида хизматчи, корхона ва хўжаликларида ишчи, жамоа хўжалигида оддий аъзо, бир сўз билан айтганда "маданий қул" ҳисобланар эди.

Шунинг учун ҳам халқимиз миллий мустақилликка эришиб, она Ватанининг ерости ва ерусти бойликларини ўзи тассарруф қилиш ҳуқуқини қўлга киритиш билан биргаликда озод инсон сифатида ўз тақдирининг ҳам чинакам эгаси бўлиб қолди. Натижада узоқ йиллар давомида давлатнинг қўлига қараб, ихтиёрий-мажбурий равишда боқимандалик балосига гирифтор этилган юртдошларимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилган кўп қиррали ислоҳотлар шарофати билан ўз мулкининг, меҳнат билан топган бойлигининг тўла ҳуқуқли хўжайинига айланди.

Бошқача қилиб айтганда, давлат тоталитар тузумидаги сингари қоғозда эмас, балки амалда халқнинг ҳимоячисига, ғамхўрига айланди. Ҳар бир Қонун ва қарор фуқароларнинг туб манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинадиган ва амалга оширилиадиган бўлди.

Савдо-сотиқ тизими тўлиқ эркинлашди, саноат, қурилиш, транспорт, алоқа тизимларида ҳиссадорлик, ижарагирлик сингари тамойиллар қарор топди. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўз хоҳиши ва имконига кўра ширкат хўжалиги ёки фермер хўжалиги аъзоси, деҳқон хўжалигининг эгаси бўлиш имкониятга эга бўлди. Тиббиёт, халқ таълими ходимлари, ҳунармандларнинг эркин фаолият кўрсатишлари учун қулай шароит яратилди.

Мамлакатимизда янгича муҳит — демократик жамиятнинг пойдевори пайдо бўлиб, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ўзгара бошлагандан сўнг собиқ шўро тузумидан қолган жиноят ва жазолаш билан боғлиқ қонунларни ҳам тубдан ислоҳот қилиш эҳтиёжи пайдо бўлди.

Бу борадаги ислоҳот натижаси ўлароқ, Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари замон талаблари асосида янгиланди.

2001 йил 29 августда қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун эса ўзининг инсонпарварлик моҳияти билан суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш борасида чин маънодаги янги даврни бошлаб берди.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу қонун мустақил Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг инсоний қадр-қимматини асраб-авайлаш йўлидаги оламшумул ҳодиса бўлди.

Бахтиёр РИЗО

Шаҳрисабз обидалари

Ислоҳот ниҳоллари

МУАММО ЕЧИМИНИ ТОПМОҚДА

Фермер хўжалигимиз 1996 йилда ташкил этилган бўлиб, тасарруфимизда 125 гектар ер бор. Шундан 51 гектарига пахта, 45 гектарига буғдой, 30 гектарига эса озуқабоп экинлар экилади. 47 бош қорамол боқаяпмиз. Хўжалигимизда 25 киши меҳнат қилмоқда. У ташкил этилганига қадар 25 йил узлуксиз бўлим бошқарувчиси бўлиб ишлаганман. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб, асосий эътиборни аввало техника сотиб олишга қаратдим. Бунинг аҳамияти шундаки, ерга вақтида ишлов берилса, мўлжалдаги ҳосилни олиш мумкин. 1996 йилда туман "Бизнес-фонд"идан 1 млн. 400 минг сўм кредит (5 йил муддатга) олиб, "К-701" русумли трактор, лизинг шартномасига асосан 3 млн. 600 минг сўмга "Морал-125" русумли ем-хашак ўрадиган комбайн сотиб олдик. 2 та "МТЗ-80" тракторини (йиғма равишда таъмирладик, уларнинг ҳар бирини 100 минг сўмдан сотиб олдик) таъмирдан чиқардик. Ушбу тракторларнинг биринчисидан культивация учун, иккинчисидан транспорт сифатида фойдаланяпмиз. Шунингдек, "Олтой" тракторини ҳам шу йўсинда таъмирдан чиқардик. Плуг, сеялка ва бошқа техника воситаларини ҳам сотиб олдик.

Ўтган йили Бобур номидаги ДФХ уюшмаси ерларини ҳам ҳайдаб бердик. Бунинг эвазига "Нива" русумли комбайн харид қилдик. 2001 йилда (бир ойча бўлди) 1 та янги "МТЗ-80" трактори ва 2 та прицеп сотиб олдик. Ҳозирда фермер хўжалигимиз эҳтиёжи учун керакли бўлган барча техника воситалари етарли. Бу йилги даромад эвазига кредит қарзларимизни ҳам тўлиқ уздик.

Хўжалигимизда ҳосилдорлик даражаси йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, 2000 йилда 160 тонна (ҳар гектар ердан ўртача 42 центнердан) ғалла етиштирган бўлсак, 2001 йилда 176 тонна (ҳосилдорлик 45 центнердан) дон етиштирдик. Ўтган йили ғалладан 3 млн. сўм, бу йили эса 6 млн. сўм даромад қилдик. Пахта ҳосили ҳам юқори бўлди. Ўтган йили 128 тонна (ҳосилдорлик 26 центнердан), бу йилги мавсумда 131 тонна (ҳосилдорлик 27 центнердан) пахта етиштирдик. Пахтадан 2000 йилда 5 млн., бу йили эса 12 млн. сўм даромад олдик. 2001 йилда ғалла ва пахтадан жами 18 млн. сўм даромад қилдик. Бу йил ўтган йилдагига нисбатан 10 млн. сўм кўп даромад олдик. Хўш, бунга қандай қилиб эришдик? Ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот сифатини кўтариш ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришдик. Ерга ишлов бериш, экиш, экинни парваришлаш, ўрим, йиғим-терим ишларини ўз вақтида ташкил этдик. Техника ва ишчи кучи етарли бўлгани боис агротехник тадбирлар ўз вақтида бажарилди. Масалан, пахтамиз эртадан қийғос очилди. Режани биринчи қўл теримидаёқ ўн кунда уддаладик. Қўлда терилган ҳар бир кило пахта учун 22 сўмдан нақд тўладик. Етиштирилган ҳосилнинг бари биринчи навга топширилди. Шунга яраша даромадимиз ҳам анча ошди. Хўжалигимиздаги ҳар бир ишчига ойида 7-7,5 минг сўмдан маош берилди. Бундан ташқари, ҳар бир оилага (хўжалигимизда 10 та оила аъзолари ишлайди) 2 тоннадан ғалла, 50 килодан ўсимлик ёғи тарқатилди. Байрам кунлари ҳар бир оилага 5 килодан гўшт берамиз.

Бобур номидаги ДФХ уюшмаси ҳудудидаги 8-мактаб ҳамда "Олтин калитча" болалар боғчасини оталиққа олганмиз. Болалар боғчасига ҳар куни 10 литрдан сут бераяпмиз. 8-мактабни таъмирлаш учун ҳар йили 100-150 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатаяпмиз. Бундан ташқари, ёзда болалар оромгоҳларига 500 кило гўшт бердик.

Давлатга 2000 йилда 2,.5 тонна, бу йил эса 3 тонна гўшт, 30 тонна сут топширдик. Бошқа хўжаликларга нисбатан 14 центнердан (гектарига) ғалла, 5-6 центнердан кўп пахта етиштирдик.

Кези келганда шуни ишонч билан айтиш жоизки, мамлакатимизда фермер хўжаликларини ташкил этишнинг ўзига хос бектарор модели яратилди. Ушбу хўжаликлар беқиёс имкониятларга эга эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Лекин жойларда фермер хўжаликларининг ўз-ўзини ички ривожлантириш имкониятлари етарли даражада рағбатлантирилаяпти деб айта олмаймиз. Фикримни ерга бўлган муносабат мисолида тушунтириб бера қолай. Хўжалигимизнинг ер бали (тупроқ сифати ҳамда табиий унумдорлик қувватига бериладиган қиёсий баҳо) 40 балл деб баҳоланган. Гап шундаки, ҳокимият томонидан келгуси йил ҳосилдорлигини белгилашда тупроқ бонитировкаси ҳисобга олинмайди. Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, режа-ҳосилдорликни белгилашда деҳқоннинг фикри инобатга олинмайди. Одатда шартнома режаси (ҳосилдорлик даражаси) туман ҳокимлиги томонидан умумий тарзда (ҳамма фермерга бир хил) белгиланади. Бу жараёнда фермер иштирок эта олмайди. Масаланинг яна бир ташвишли томони шундаки, фермер хўжаликларининг тупроқ бонитировкаси (ер сифати) паст бўлса ҳам, ҳосилдорлик даражаси анча юқори қўйилади. Масалан, 40 балли ерда буғдой учун 25-30 центнер (ҳар гектарига), пахта учун (20-25 центнердан) ҳосил етиштириш меъёрий ҳолат ҳисобланади. Амалда ҳосилдорлик даражаси бундан бирмунча юқори қўйилади. Ширкат хўжаликларида эса (гарчи ери фермер хўжалиги ерига нисбатан унумдор бўлса ҳам) фермер хўжаликларига нисбатан 4-5 центнер кам режа белгиланади. Хўш, бунинг оқибати нимага олиб келади? Сир эмаски, бундай нохолис ёндашувдан норози бўлган фермерлар тупроқнинг унумдорлик даражасини ошириш (сунъий равишда) мақсадида ерга меъёридан ортиқ даражада минерал ўғит солишга, айтайлик, буғдой учун бир гектар ерга 300 кг, пахта учун 500 кг минерал ўғит солишга ҳаракат қилади. Иш шу йўсинда борса, масаланинг иккинчи томони қандай ҳал этилади? Ҳисоб-китоб қилинса, 40 гектар ерга экилган буғдой учун 12 тонна, шунча майдондаги ғўза учун эса 20 тонна минерал ўғит солиш керак бўлади. Бир тонна минерал ўғитнинг нархи 100-120 минг сўм атрофида бўлса, шунча миқдордаги ўғитни харид қилишга фермернинг қурби етадими? Ерга шу тарзда муносабатда бўлинар экан, унинг оқибати нимага олиб келади?..

Хўжалигимизда ушбу муаммонинг ечимини қуйидагича ҳал этишга ҳаракат қилаяпмиз. Ернинг ҳосилдорлик даражасини маҳаллий ўғит (гўнг) ҳисобига ошираяпмиз. Лекин афсуски, ҳаммада ҳам шундай имконият йўқда! Чорвачилик билан ҳам шуғулланамиз. Шу боис маҳаллий ўғит масаласида муаммо йўқ. Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, туманимизда чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари деярли йўқ ҳисоби. Туманимиз шароитида бундай йўналишдаги хўжаликларнинг рентабеллик даражаси анча паст. Шундай қилиб, бир гектар ерга (буғдой учун 100 кило, пахта учун 150-200 килодан) минерал ўғит соламиз.

Фермерлар кундалик ҳаётда дуч келаётган яна бир муаммо ўз ечимини топса, яхши бўларди. Гап шундаки, фермерлар ўз ҳисоб рақамларидаги маблағларини мустақил равишда тасарруф этиш имкониятига ҳалиям эга эмас. Масалан, фермер хўжаликлари учун бериладиган 5, 10-транш (келгуси йил ҳосили учун бериладиган аванс) банклар томонидан фермерларнинг талабномаси олинмасдан ўзбошимчалик билан тақсимланади. "Пахтабанк" томонидан фермер хўжалигимиз ҳисоб-рақамига келиб тушган (2002 йил ҳосили учун ажратиладиган аванс) 140 минг сўм аванс пули ўзбошимчалик билан МТПга ўтказиб юборилган. Ҳолбуки, "Пахтакор" фермер хўжалигининг МТП хизматига эҳтиёжи йўқлигини банк ходимлари яхши билишади. Ноқонуний ўтказилган бу пулни жойига қайтариб олиш учун яна бўзчининг мокисидек қатнашишимизга тўғри келади.

Хулоса қилиб айтганда, фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги тараққиётининг янги манбаига айланиб бормоқда. Унинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган ғовлар бирин-кетин бартараф бўлишига ишончимиз комил.

Лапас ИКРОМОВ,
Сирдарё вилояти, Оқолтин туманидаги "Пахтакор" фермер хўжалиги раиси

ХИЁБОН МОЖАРОСИ

Ҳуқуқий демократик жамият қуришда фуқаролар ҳуқуқий саводхонлигининг даражаси муҳим. Бу борада, айниқса, мансабдор шахслар зиммасига янада юксакроқ масъулият юкланади. Сабаби, улар раҳбарлик жараёнида тўғри иш юритиши учун белгиланган ҳуқуқий меъёрларни яхши билиши лозим.

Қарши шаҳрининг қоқ марказида бу қадим кентнинг хуснига ҳусн қўшувчи гўзал бир хиёбон қурилиши керак эди. Тез орада хиёбоннинг тархи ҳам ҳозирланди. Лекин у нафақат қурилмай қолди, балки ўнлаб одамларнинг бошига катта ташвиш ҳам келтирди.

Гап шундаки, 1996 йил 10 октябрда Қарши шаҳар ҳокимининг фармойиши билан шаҳарда қурилиши керак бўлган янги хиёбонга буюртмачи этиб "Санам" ҳиссадорлик жамияти белгиланди. Пудрат ишларини олиб бориш эса "Қаршикурилиш" бирлашмаси саноат уй—жой қурилиш трестига юклатилди. Икки ўртада мажбурий тузилган пудрат шартномасига асосан 15,8 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилиши керак эди.

Ажабланарлиси шундаки, "Санам" бор-йўғи чеварчиликка ихтисослашган корхона, унда фақат аёллар меҳнат қилади. Ўша пайтда корхонанинг катта бир хиёбон қурилишини таъминлашга қўшадиган маблағи ҳам бўлмаган. Бунинг устига, "Санам" хиёбон қуришдан унчалик манфаатдор ҳам эмасди. Лекин "юқорининг юзидан ўтолмаслик" оқибатида корхона раҳбари топшириқни бажаришга киришди. Бу ҳолат охир—оқибатда қўплаб қонунбузарлик, асаббузарликларга йўл очди.

— Фуқаролик қонунчилигида шартномалар тарафларнинг ҳоҳиш ва эркинлиги асосида тузилиши кўзда тутилган, — дейди Олий хўжалик суди судьяси Иброҳим Алимов. — 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 113-моддасида жамиятнинг хўжалик ва бошқа фаолиятига давлат ҳамда бошқа органларнинг аралашишига йўл қўймаслиги, уларнинг қонунсиз хатти-ҳаракатлари устидан судга мурожаат қилиниши мумкинлиги кўзда тутилган.

Лекин "Санам" трестга баҳоли қудрат гоҳ пул, гоҳ тикилган маҳсулотини тақдим этиб турди. Қурилиш трести ҳам шунга яраша иш қилди. Қурилишни лойиҳа — смета ҳужжатларисиз бажариб, амалга оширилган ишлар ҳақида эса буюртмачига ҳисобот ҳам беришни лозим топмади. Бундан ташқари, объект давлат қабул қилиш комиссияси томонидан ҳам қабул қилинмади. Сабаби, ишлар ўлдажўлда бажарилиб, қурилиш охирига етказилмаганди. "Санам" ҳам хиёбонни ўз балансига олмади.

Орадан тўрт йил ўтиб, Қарши шаҳар прокурорининг 2000 йил 10 августдаги протестига асосан ғайриқонуний фармойиш бекор қилинди. Вилоят хўжалик судининг 2001 йил 16 апрелдаги ҳал қилув қарори билан эса тарафлар ўртасида тузилган шартнома ҳақиқий эмас, деб топилди.

Республика Прокуратурасининг 2001 йил 29 майдаги хатига кўра қурилиш ишлари лойиҳа — смета ҳужжатларисиз олиб борилиши оқибатида 50 миллион сўмдан ортиқ қурилиш материаллари беҳуда сарфланган ва давлатга кўп миқдорда зарар етказилган. Ушбу ҳолат бўйича Қашқадарё вилоят прокуратураси томонидан Қарши шаҳар меъморлик ва шаҳарсозлик бошқармаси бошлиғи М.Хидиров ва бошқарма муҳандиси О.Маҳмудова нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзғатилди.

Республика Олий хўжалик судида кўрилган мазкур иш ниҳоясига етганда Хўжалик процессуал кодексининг тегишли моддаларига асосан судлов ҳайъати "Санам" ҳиссадорлик жамиятининг кассация шикоятини қаноатлантирди ҳамда мазкур иш юзасидан ҳусусий ажрим чиқарилиб, вилоят ҳокимлигига тақдим қилинди. Ажримда вилоятда йўл қўйилган бу каби қонунбузарлик ҳолатларига барҳам бериш ҳамда келгусида бундай ҳоллар такрорланмаслиги учун амалий ишлар қилиниши зарурлиги таъкидланган.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Ҳуқуқий маърифат

БИЗНЕС-РЕЖАНИНГ МОҲИЯТИНИ БИЛАСИЗМИ?

Газетамизнинг ўтган сонида "Бизнес-режа нима?" сарлавҳали мақола чоп этилган бўлиб, унда бизнес-режа, унинг таркиби, бўлимлари ҳақида фикр юритилган эди. Ана шу мавзу давоми сифатида ТДЮИ ўқитувчилари Н.Бекнозов, У.Турғунов, С.Курбоновлар бизнес-режа таркибига киривчи бўлимларнинг асл моҳияти хусусида мулоҳаза юритади.

Фирма имкониятларининг қисқача мазмуни

Бу бўлим режанинг бошида келишига қарамай, у бизнес-режани тузишда бошқа бўлимлардаги керакли тадбирлар режасини ишлаб чиқилганидан сўнг тузилади. Чунки бу бўлим кредитор ва инвесторларда фирма тўғрисида ижобий таассурот юзага келтириши лозим бўлади. Мазкур бўлим фирма ҳақида тўғри ва яққол тасаввур ҳосил этади ҳамда қуйидаги саволларга жавоб беради:

— Фирманинг асосий мақсади, яъни:

а) маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишни ошириб бориш миқдори;

б) режалаштирилаётган фойда миқдори;

в) бозорда фирманинг эришиши мумкин бўлган улуши.

— фирма учун зарур бўлган маблағлар ва уни қаердан олиш режаси.

— бошқаларга нисбатан хизматлар ва товарларнинг афзаллик томонлари;

— жорий йилда мўлжалланган товар чиқариш, хизмат кўрсатиш режаси ва шундан кутиладиган фойда;

— ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун зарур харажатлар миқдори режаси;

— жалб этиш мўлжалланаётган инвестициянинг фойдалилиги даражаси;

— қарз олинган муддатлар қайси муддатда қайтарилиши кафолатланганлиги;

— фирманинг иш характери, регистрация рақами ва алоқа манзили тўғрисида ахборотлар.

Фирманинг ишлаб чиқариш ва хизмат фаолияти турлари

Унинг режасини тузишда қуйидагилар ҳисобга олинади:

— фирманинг ишлаб чиқарадиган ва кўрсатадиган хизматлар рўйхати;

— мазкур товар ва хизматларга бўлган ҳозирги ва келгусидаги талаб миқдори;

— ушбу товар ва хизматларнинг амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги;

— қайси бозорларда ва қандай усулда иштирок этиш йўли;

— нима учун бу товар ва хизматларга харидорлар талаб ва эътибор беришлари кучли эканлигини аниқлаш;

— мазкур товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги технологиянинг алоҳида хусусияти нимада эканлиги;

— товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш қанақа патент ва муаллифлик гувоҳномаси билан ҳимояланганлиги;

— товарнинг техник-иқтисодий кўрсаткичи, бошқа турдош товарлардан фарқи ва афзаллиги;

— товарнинг фирма маркаси (агар бўлса), техника маҳсулоти бўлса сотишда нечоғли хизмат кўрсатиш кафолати.

Товарлар ва хизмат сотиш бозорлари

Бу бўлим бозорни ўрганишга йўналтирилган бўлиб, тадбиркорга товарларини қаерда, кимга ва қай шароитда сотиши хусусида тасаввур ҳосил этиш учун ёрдам беради.

Бозордаги рақобатлашув

Мазкур бўлим бозор конъюктурасини, ундаги рақобатларнинг ҳолати, уларнинг тактика ва стратегиясини таҳлил этишга бағишланган бўлиб, қуйидаги саволларга жавоб бериши лозим:

— сизникига ўхшаш товар ва хизмат билан савдо қилувчи ўзингизга рақиб ҳисобанувчи фирмалар сони ва рўйхати борми?

— нима учун ушбу фирмаларни ўзингизга рақиб деб ҳисоблайсиз?

— сиз рақиб деб ҳисоблаган фирмаларнинг бозордаги улуши ва эгаллаган мавқеи қай даражада?

— рақиб фирмаларнинг иқтисодий ҳолати, даромади, янги ишлаб чиқаришни йўлга қўйишнинг имконияти қандай?

— рақиб фирма товар ва хизматининг техник, иқтисодий, сифат ва дизайн кўрсаткичлари қанақа?

— рақиб фирма товар ва хизматининг нарх даражаси ва баҳо тизими қандай?

— ўз фаолиятингизда рақобатнинг энг асосий воситаси қилиб нимани қўллайсиз: баҳоми, сифатми, имиджми?

— рақиб фирманинг имиджи қандай?

— рақиб фирма реклама хизматидан қандай фойдаланади?

— ҳозирги вақтда рақиб фирма қандай бозор стратегияси қўллаяпти ва келажакда қандай бўлиши мумкин?

— рақиб фирманинг устун ва заиф томонлари нимадан иборат?

Маркетинг режаси

Бу бўлимда тадбиркор ҳамкорлик қилувчи шерик ва инвесторларига фирманинг ишлаб чиқариш, товар, бозор стратегияси режаси ҳақида чуқур ва атрофлича тушунтириш бериши лозим. Бу бўлимда товарларни реализация қилиш шакли — ўзини фирма дўконидами ёки улгуржи савдо воситаси орқалими, товарлар нархини ошириш ва белгилаш усуллари; сарфланадиган маблағларнинг фойдалилик даражаси; сотув ҳажмини ўстириб бориш ҳисоби ва йўллари; жамоатчилик, харидорлар олдида фирма эътиборини ошириб бориш, рекламаларни ташкил этиш тадбирлари кабилар ёритилиши керак.

Маркетинг режаси бўлимини қуйидаги қисмлардан иборат ҳолда тузиб чиқиш тадбиркорга режасини чуқурроқ асослаб кўрсатиб боришга имкон беради:

а) нарх соҳасидаги маркетинг;

б) товарни кенгроқ ёйиш схемаси;

в) сотувни рағбатлантириш усули;

г) мижозларга сотувдан кейинги хизматни ташкил этиш;

д) реклама;

е) фирма ва товарлар тўғрисида жамоатчиликда ижобий фикрни шакллантириш.

Молиявий режа

Бу бўлимда қуйидагилар муҳимдир:

— режалаштирилган тадбирлар ва эришилган натижалар;

— мўлжалланган инвестиция режалари;

— хўжалик фаолияти натижаси бўйича ҳисоб-китоб ва ҳисоботлар.

Фирма ишчилари

Бунда ушбу маълумотларни билиш муҳим:

— касблар бўйича кадрларга талаб;

— малакалилигига қўйиладиган талаб;

— ишга жалб этиш шакли: доимий, ўриндошлик бўйича ёки уйига олиб кетиб ишлаш;

— фирма учун зарур ишларни махсус тайёрлаш шакли;

— ушбу ҳудудда жойлашган бошқа фирмалардагига нисбатан ишчи ва хизматчиларга белгиланган қўшимча моддий имтиёзлар афзаллиги;

— иш режими ва тартиби;

Таваккал ва хавф-хатарни баҳолаш

Бу режани тузишдан мақсад, тадбиркор ўзининг бўлғуси инвестор ва кредиторларига мўлжалланганлигини амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатар, таваккалчилик ва ундан ҳимояланиш йўлларини баён қилишдир. Буни ёритишда тадбиркор қуйидаги асосий вазиятларга эътибор бериши зарур:

1. Юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатар рўйхати, унинг эҳтимоллиги даражаси ва етказиши мумкин бўлган зарарини кўрсатиш.

2. Хавф-хатарнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг ташкилий тадбирларини ўтказиш.

3. Таваккал хавф-хатарни суғурталаш дастурини тавсия этиш.

Молиявий режа бўлими

Мавжуд пул маблағидан самарали фойдаланиш мақсадида, фирманинг молиявий таъминоти фаолиятини режалаштиришга бағишланади. Бу бўлимда қуйидаги режа ҳисоби ҳужжатлари йиғиндисини ишлаб чиқиш лозим:

1. Тезкорлик билан амалга ошириладиган (оператив) ишлар режаси (ҳисоботи).

2. Даромадлар ва харажатлар режаси (ҳисоботи).

3. Пул маблағининг ҳаракати режаси (ҳисоботи).

4. Баланс ҳисоби (режаси).

Ушбу режа ва ҳисоботлар бир неча кўрсатишлар тизими асосида махсус ҳисобланади ва уларда келтирилган рақамлар асосида фирманинг молиявий аҳволи таҳлил этилади.

Молиялаштириш стратегияси бўлими

Унда янги фирмани ташкил этиш ёки амалдагисини кенгайтиришни молиялаштириш режаси баён этилади. Бунда тадбиркор қуйидаги саволларни тушунтириши лозим:

1. Тавсия этилаётган лойиҳани амалга ошириш учун қанча маблағ талаб этилади?

2. Зарур маблағни қаерда ва қандай шаклда олиш мумкин?

3. Сарф этиладиган маблағни қоплаш, қайтариш ва даромад олиш муддати қанча?

4. Даромад миқдори қандай бўлади?

Савол беринг!

Уни хат ҳамда 133-70-65, 132-14-18 рақамли телефонлар орқали кутамиз.

Ҳурматли таҳририят!

Газетангизда чоп этилаётган ҳуқуқий мавзудаги мақолаларни мунтазам ўқиб бораман. Шундан келиб чиқиб, ўзимни кўпдан буён қизиқтираётган бир нечта саволларга газетангиз орқали жавоб беришингизни илтимос қиламан.

Оллаберган МАШАРИПОВ,
Хоразм вилояти, Гурлан тумани

1. Фермер хўжалиги ёки деҳқон хўжалигини қандай ташкил қилиш мумкин? Уларнинг бир-биридан қандай фарқи бор?

Фермер хўжалиги ёки Деҳқон хўжалигини Ўзбекистон Республикаси "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддаси ҳамда "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасига асосан ташкил этилади. Давлат рўйхатидан ўтгандан кейин иккиси ҳам юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

2. Фермер хўжалиги ва Деҳқон хўжалиги устави бўлиши зарурми?

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 43-моддасига асосан, юридик шахс устав асосида ёки таъсис шартномаси асосида иш олиб боради. Юридик шахснинг таъсис шартномаси унинг муассислари томонидан тузилади. Устав эса тасдиқланади.

3. Фермер хўжалиги қандай ерларда ташкил этилади?

Фермер хўжалиги заҳира ерлар, республика махсус фонд ерлари, меҳнат ресурслари етишмайдиган хўжаликлар ва янги суғориладиган мавзелардаги ерларда тузилади. Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) ерларида хўжалик аъзоларининг умумий йиғилиш қарорига биноан тузилади. Илмий тадқиқот муассасалари, Олий ўқув юртлари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари ерлари, шунингдек, сув фонди ерларидан фермер хўжалиги ташкил этиш мумкин эмас.

4. Фермер хўжалигига ким раҳбар бўла олади?

Фермер хўжалигига 18 ёшга тўлган қишлоқ хўжалигида тегишли малака ва касби ҳамда иш тажрибасига эга бўлган муомала лаёқатли аъзоларидан бири раҳбар бўла олади.

5. Фермер хўжалигига ер қанча муддатга берилади?

Фуқароларга фермер хўжалиги юритиш учун ер участкалари 50 йилгача бўлган, лекин 10 йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилади.

6. Фермер хўжалигида меҳнат дафтарчалари ёзувларини ким тўлдиради?

Фермер хўжалиги аъзолари ҳамда меҳнат шартномаси асосида ишлайдиган ишчиларнинг меҳнат даври ҳақидаги ёзувларини хўжалик бошлиғи тўлдиради.

Саволларга жавобларни ҳуқуқшунос Собир ЭРГАШЕВ тайёрлади.

Оталар дейдики:

Сўзлашга шошилма, аввал фикринг пишиб етилсин!

* * *

Ахмоқона орзулар аҳмоқона хатти-ҳаракатларга етаклайди!

ШАРТНОМА ИЖРОСИ—МАРДЛАР ВАЪДАСИ

Мамлакатимиз тараққиёт сари бозор иқтисодиёти йўли билан бормоқда. Шундай экан, унинг қоидалари тақозо этган шартномавий муносабатларга қатъий риоя қилиниши зарур. Жумладан, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартномалар барча мулк шаклидаги корхоналар ва тадбиркорларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларини ўрнатувчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

Аммо бугунги кунда кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан кўплаб қарорлар қабул қилинаётганлигига қарамай, ишлаб чиқарувчи, тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар тадбиркорлик субъектлари билан шартномавий муносабатларга киришган ҳолда, уларнинг ҳуқуқларини менсимаслиги оқибатида ўз шартномавий муносабатларини бажармай келмоқда.

Жиззах туманидаги "Мусурмон-ота" фермер хўжалиги ва "Учтепа" пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти "Жибри" қўшма корхонаси билан 2000 йил пахта ҳосилидан 12000 кг. техник чигитни қайта ишлаш учун "Жибри" қўшма корхонасига бериш ва ўз навбатида "Жибри" қўшма корхонаси ушбу чигитни қайта ишлашдан чиққан 1200 кг. истеъмол пахта ёғини, 4800 кг. пахта шротини ҳамда 3600 кг. шелухани ўз омборидан фермер хўжалигига қайтариб бериш тўғрисида 2001 йил 4 январь кунида 364-сонли уч томонлама шартнома тузган. Ушбу шартномага асосан, "Мусурмон-ота" фермер хўжалиги ва "Учтепа" пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятлари ўз шартномавий мажбуриятларини бажариб, 12000 кг. техник чигитни "Жибри" қўшма корхонасига ўтказиб берган ва "Мусурмон-ота" фермер хўжалиги ўз ихтиёридаги 778 кг. пахта ёғи, 4800 кг. пахта шроти, 3600 кг. шелухани олган.

Бироқ "Жибри" қўшма корхонасининг ҳар хил важлар билан ўз шартномавий мажбуриятларини бажармаслиги оқибатида фермер хўжалиги ўзига тегишли бўлган 422 кг. пахта ёғини ололмаган. Яъни, пахта ёғининг 30 фоизи берилиши лозим бўлса-да, "Жибри" ҚК ҳеч қандай асосларсиз уни беришдан бош тортиб келган. Натижада, "Мусурмон-ота" фермер хўжалиги раисаси С. Бойматова бузилган ҳуқуқини ҳимоя қилишга ёрдам сўраб, Жиззах вилоят Адлия бошқармасига мурожаат қилган.

Жиззах вилоят Адлия бошқармасининг Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш бўлими "Мусурмон-ота" фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб, жавобгар "Жибри" қўшма корхонасидан 2001 йил 4 январда тузилган 364-сонли шартномага асосан асоссиз беришдан бош тортиб келган 422 кг. пахта ёғини ундириб бериш тўғрисида Жиззах вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди.

2001 йил 13 июнь куни Жиззах вилоят хўжалик суди судьяси Ш.Мамадиёров томонидан даъво аризаси судда мазмунан кўрилиб, Адлия бошқармаси томонидан киритилган даъво аризаси қаноатлантирилди ва "Мусурмон-ота" фермер хўжалиги фойдасига шартномага асосан 422 кг. пахта ёғини жавобгар "Жибри" қўшма корхонасидан ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилди.

Жавобгар "Жибри" қўшма корхонасининг ҳал қилув қароридан норози бўлиб берган апелляция шикояти асосида иш вилоят хўжалик суди судлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилиб, 2001 йил 27 июлдаги қарори билан апелляция шикояти қаноатлантиришсиз, ҳал қилув қарори эса ўзгаришсиз қолдирилди.

Жавобгар "Жибри" қўшма корхонасининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанциясининг 2001 йил 27 июлдаги қароридан норози бўлиб берган кассация шикояти Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судлов ҳайъатида жорий йилнинг 26 сентябрь куни кўриб чиқилиб, жавобгар "Жибри" қўшма корхонасининг кассация шикояти қаноатлантиришсиз, Жиззах вилоят хўжалик судининг 2001 йил 13 июндаги ҳал қилув қарори ва апелляция судлов ҳайъатининг 2001 йил 27 июлдаги қарори ўзгаришсиз қолдирилди ва "Мусурмон-ота" фермер хўжалигининг шартномавий ҳуқуқи қонуний асосларга кўра тикланди ҳамда шартнома оддий қоғоз эмас, балки ҳуқуқий-ҳужжат эканлиги ўз исботини топди.

Аширқул ЭШБЕКОВ,
Жиззах вилояти

Мустақил мамлакатимиз Конституциясининг қабул қилиниши чинакам тарихий ҳодисадир. Чунки унда халқимизнинг ҳуқуқ ва эркинлиги ўз аксини топган. Шу маънода конституциямизни халқимиз буюк келажагининг ҳуқуқий асосидир десак, асло адашмаган бўламиз.

Буюк келажак ёшларнинг қўлидадир. Шу боис ёшларнинг, хусусан, бўлажак ҳуқуқшуносларнинг Конституциямизни чуқур билиши юрт равнақида муҳим аҳамиятга эга. Ана шу заруратнинг ҳосиласи ўлароқ мамлакатимиз олий ўқув юртларида таълим олаётган бир гуруҳ талабалар Конституциямизнинг ўзига хос жиҳатлари, аҳамияти, маъно ва мазмуни ҳақида сўз юритишган.

Қуйида ана шу фикр-мулоҳазалар эътиборингизга ҳавола этилади.

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР – ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИКДИР

Дарҳақиқат, сарлавҳага кўтарилган сўзлар мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятнинг ажралмас қисми эканлигини англатади. Бу тушунча Асосий Қонунимизнинг 17-моддаси билан мустаҳкамланган.

Хўш, халқаро муносабатлар деганда қандай маъно тушунилади?

Халқаро муносабатлар — сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳуқуқий, дипломатик, ҳарбий ва бошқа алоқаларнинг, давлатлар ҳамда давлатлар тизимлари, асосий сиёсий, иқтисодий, маданий ташкилотлар ҳамда ҳаракатларнинг ўзаро муносабатлари мажмуидир.

Давлатимиз олиб бораётган ва олиб борадиган ташқи сиёсатининг асосий мазмун-моҳияти, тамойиллари Конституциямизнинг 17-моддасида қуйидаги тарзда намоён бўлади:

"Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, имзоларни тенг йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларини ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва меъёрларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқ тузиш, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин".

Истиқлолга эришганидан сўнг Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатини мустақил равишда белгиламоқда ва амалга оширмоқда. Бу қуйидагиларни англатади:

— Ўзбекистон суверен давлат сифатида замонавий халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари, меъёрлари ва ўзи қўшилган халқаро шартномалар билан боғлиқ бўлиб, давлатимизнинг розилигисиз бошқа мажбуриятлар зиммамизга юклатилиши мумкин эмас;

— Ўзбекистон ҳудудида давлат ҳокимияти чегаралар майди ва халқаро ҳуқуқнинг ҳеч қайси бир субъекти бунга аралашиш ҳуқуқига эга эмас, ўзининг ҳудудидан ташқарида у ўз ҳокимиятини фақат бошқа манфаатдор давлат розилиги бўлгандагина амалга ошириш мумкин;

— Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан дипломатик алоқаларни амалга ошириб, икки томонлама ва кўп томонлама халқаро шартномалар тузиб, давлатлараро муносабатларда бевосита қатнашади.

Бу борада Конституция асосида Ўзбекистон Республикасининг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти эканлигини кўрсатувчи бир қатор ҳуқуқий асослар ҳам яратилди.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари — замонавий халқаро ҳуқуқнинг асосий моҳиятини намоён этувчи, устувор бўлган универсал характердаги нормалардир. Халқаро ҳуқуқ қуйидаги муносабатларни тартибга солади:

— давлатлар орасидаги икки томонлама ва кўп томонлама ҳамда халқаро ҳамжамиятни қамраб оладиган муносабатлар;

— давлатлар билан ҳукуматлараро ташкилотлар орасидаги муносабатлар;

— ҳукуматлараро ташкилотлар орасидаги муносабатлар;

— давлатлар ва давлатларга ўхшаш мустақил халқаро мақомга эга бўлган бирликлар (масалан, Ватикан католик черковнинг маркази сифатида алоҳида халқаро ҳуқуқий мақомга эга) билан бўлган муносабатлар.

Халқаро ҳуқуқнинг кўпгина тамойиллари БМТ Низомининг 2-моддасида ўз аксини топган. 1970 йилда қабул қилинган Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларацияда ушбу тамойиллар чуқурроқ берилган. Шунингдек, улар БМТ Низоми ҳамда ЕХҲТнинг якунловчи актида ҳам кенг талқин этилган.

Ўзбекистон кўплаб инсон ҳуқуқларига оид халқаро конвенциялар ва шартномаларга қўшилган. Улар орасида қуйидагиларни санаб ўтиш жоиз: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт, ирқий камситишнинг барча турларини бартараф этиш тўғрисидаги Конвенция, Янги Европа учун Париж Хартияси, Ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома, аёлларга нисбатан камситишнинг барча кўринишларини бартараф этиш тўғрисидаги Конвенция, Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний тарқатишга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция ва бошқалар.

Сурайё ТУРСУНОВА, талаба

Ўзбекистон тўла ҳуқуқли асосда энг обрўли ва таъсирга эга халқаро ташкилотлар таркибига кирган. БМТнинг деярли барча ихтисослашган муассасалари, ЕХҲТ, қўшилмаслик ҳаракати, Парламентлараро Иттифоқ, Халқаро Олимпия қўмитаси, Интерпол шулар жумласидандир. Давлатимиз НАТОнинг "Тинчлик учун ҳамкорлик" дастурида ҳам иштирок этмоқда.

Умуман олганда, халқаро ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига сезиларли таъсир кўрсатганлиги маълум. Ушбу масаланинг бу каби аҳамияти фақатгина халқаро шартномалардаги мажбуриятлар билан белгиланмаган. Чунки халқаро ҳуқуқнинг принциплари ва нормаларига содиқлик Ўзбекистоннинг миллий манфаатларидан келиб чиқади. Хулоса қилиб айтганда, кўп томонлама ташқи сиёсат ва халқаро ташкилотларда фаол қатнашиш — мустақил Ўзбекистонни жаҳон миқёсида танитишнинг муҳим ва энг самарали йўлдир.

ТАРИХИЙ ТАФАККУР МАҲСУЛИ

Мамлакатимиз Конституциясининг қабул қилиниши ҳеч шубҳасиз, буюк воқеа саналади. Энг аввало, халқимизнинг давлат мустақиллигига эришганлиги ҳақидаги тарихий ҳодиса бош Қомусимизда тантанавор тарзда мустаҳкамлаб қўйилди.

Жавлон ЖЎРАЕВ, талаба

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг дунёга келишига асосан икки омил сабаб бўлди. Булардан бири Ўзбекистоннинг умумий қонуниятлар ва йўналишларга мувофиқ равишда жаҳон ҳамжамиятига кириб боришидир. Айни пайтда Ўзбекистон аввал бошданоқ бозор муносабатларига бирдан-бир мақсад сифатида эмас, балки жамиятнинг жадал ривожини таъминловчи восита тарзида қаради.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқнинг ўзини ўзи бошқариш, эркинлик ва ижтимоий адолат, инсонпарвар демократик давлат барпо этиш тўғрисидаги азалий орзусини ифодалади. Конституция давлатнинг аниқ-равшан муайян дастури мавжудлигидан, унинг аниқ белгиланган йўлдан боришга тайёр эканлиги ва бунга қатъий қарор қилганлиги, ҳаётий йўналишлари пухта ҳисоб-китоб қилиб чиқилганлигидан далолат беради. Зеро, вужудга келаётган сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг қонуний манфаатларини Конституцияга биноан муҳофаза қилиш, фуқароларга демократик жараёнларда иштирок этишлари учун баравар ҳуқуқий имкониятлар яратиб бериш, инсон ҳуқуқларига, энг аввало, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатлари, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясига таяниб иш кўриш зарурати аллақачон юзага келганди. Конституция ягона ғоя, мантиқ, ўзак йўналиш билан йўғрилган яхлит ҳужжат ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамиятининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ютуқларига, демократия ғалабаларига таянганлиги ҳам Конституциянинг хусусияти саналади. Сўз эркинлиги, ўз фикрларини баён этиш ва матбуот эркинлиги, бирлашмаларга уюшиш, диний эътиқод эркинлиги, қонундан ҳамманинг баб-баравар ҳимоя топиш ҳуқуқи, қонунларга риоя этиш ва адолатли судловни амалга ошириш ҳуқуқлари — демократиянинг энг муҳим тартиб-қоидалари бўлган бу масалалар ҳам Конституциямизда аниқ-равшан мустаҳкамлаб қўйилган. Конституциявий тузум — инсоният ижтимоий турмушининг буюк ғалабаси, умумэътироф этган ҳаёт шакли ҳисобланади. Конституция моҳиятидан Конституциявий тузумга ҳар қандай тажовуз ғайритабиий ва Конституцияга зиддир, деган фикр келиб чиқади. Конституциявий тузум — бу миллионларнинг ҳаётий фаолиятини ташкил қилиш негизидирки, ҳеч кимга уни қоралаш ва тажовуз қилишга йўл берилмайди. Зеро, бу Конституциявий тузумга ҳурматсизлик деб баҳоланади.

Халқимиз қадим тарихга эга. Мазкур тарих уч минг йилдан ортиқ даврни ўз ичига олади. Маълумки, Қадимий Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон ҳудудида равнақ топган давлатлар жаҳон цивилизациясида ёрқин из қолдирган. Маънавий-ахлоқий, илмий, диний ва ҳуқуқий қадриятлар халқимизнинг кўп асрлик турмуш тарзида, анъанавий маданиятида муҳим ўрин олган. Муқаддас она заминимизда одамлар кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантилик, саховатпешалик каби улуғвор хислатлар Конституциямиздан муносиб ўрин олган. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, **табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Бир сўз айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир. Қомусимизнинг маънавий тарихий асослари сифатида жаҳон маданияти ривожига бебаҳо ҳисса қўшган буюк аждодларимиз — Шарқнинг мутафаккирлари Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур ва бошқа даҳоларимизнинг қолдирган маънавий-ахлоқий меросларидан намоён бўлмоқда. Уларнинг инсонни маънавий комилликка чорловчи диний-ахлоқий ва ҳуқуқий ҳикматлари Конституциямизга руҳ бағишлаган. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси келажаги буюк давлатнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлайди. У бизга инсон ҳуқуқлари, демократия, эркинлик, барқарорлик ва тараққиёт тамойиллари мажмуини ифодалайдиган ҳуқуқий ва адолатли давлат қуриш йўлларини аниқ ифода этган.**

...Бизнинг Конституция ҳақиқатан ҳам демократик Конституциядир. Тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир. Иккинчидан, бизнинг Конституция энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган, у дунё миқёсида ҳам ҳар қандай илғор давлат Конституцияси билан бемалол қуч синашмоқда.

Ислом КАРИМОВ

Конституция ва биз

БУЮК КЕЛАЖАКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ



КЕЧАНИНГ САБОҒИ - ЭРТАНИНГ ОБОДЛИГИ

Агар истиқлол йилларига назар ташласак, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида тараққиёт йўлини кўр-кўрона эмас, балки, жаҳоннинг барча қимматли тажрибаси, ўзининг менталитети ва миллий, тарихий хусусиятларига таяниб, кенг кўламли ислоҳатлар олиб бораётганига гувоҳ бўламиз.

Башорат ЗАРИПОВА, талаба

Республикамизда Конституция ва қонуннинг устунлиги — демократик жамият, ҳуқуқий давлат ҳаёти ҳамда фаолиятининг асосий талаби ва муҳим қоидаларидан биридир. Конституциямизнинг махсус III боби ҳам шу масалага бағишланганлиги бежиз эмас. Мазкур конституциявий тамойилнинг жорий этилиши шўро даврининг аччиқ сабоқлари билан ҳам боғлиқ, албатта. Чунки ўша даврда синфий кураш сиёсатини кескинлаштириш, шахсга сиғиниш туфайли кўплаб давлат раҳбарлари, жамоат арбоблари, мутахассислар ва оддий фуқаролар адолатсизлик қурбони бўлдилар, турли уйдирмалар, айблар билан шафқатсиз жавобгарликка тортилдилар. Жамиятда ана шундай вазият такрорланмаслиги, демократияга кенг йўл очиш мақсадида Конституция ва қонуннинг устунлиги тамойили ўрнатилдики, у адолатли, демократик, ҳуқуқий меъёрларни белгилади. Бошқача айтганда, Конституция ва қонуннинг устунлиги деганда, жамиятда ҳуқуқнинг ҳукмрон бўлиши, ҳамманинг суд ва қонун олдида тенглиги назарда тутилади.

Президентимиз Ислом Каримов ҳуқуқий давлатнинг асосий белгилари ҳақида гапириб, шундай деган эди: **"Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи шуни англатадики, бунда барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади".**

Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, давлатнинг ҳуқуқ тизимида конституция алоҳида мавқега эга.

Конституция ва конституциявий қонунларнинг аҳамияти ҳамда мавқеи уларнинг Олий Мажлис томонидан қабул қилинишида ҳам намоён бўлади. Бунда Олий Мажлис депутатлари демократик тартиб асосида фаол иштирок этадилар. Конституция ва конституциявий қонунлар Олий Мажлис депутатларининг учдан икки қисми ёқлаб овоз бергандагина қабул қилинади. Асосий қонунимизнинг 15-моддасида **"Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз ҳам олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар"**, дея қайд этилган. Шу билан бирга Конституциямиз муқаддимасида республикамиз халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиши таъкидланган.

Мустақиллик ва бозор муносабатлари шароитида ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб туришга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Шу боисдан Асосий қонунимизга биноан давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Бу қоида республикамизда қонунийликни мустаҳкамлашга, Конституция ва қонуннинг устунлигини таъминлашга қаратилгандир.

Хулоса қилиб айтганда, Конституция ва қонунларнинг устунлигига эришиш демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуришнинг зарурий талабидир. Шу билан бирга ўтмиш тузумнинг халқ онгига сингдирган ва кўникмага айлантирган эскилик қарқитларидан қутулишнинг бирдан-бир тўғри йўлидир.

Мамлакатимизда Конституциявий тузум принципларининг қатъий белгилаб қўйилиши ҳуқуқий давлат талабларидан келиб чиқади. Чунки давлат суверенитети, демократия табиати, ташқи сиёсати, қонуннинг устуворлиги каби жиддий масалаларни юридик меъёрларда белгиламасдан ҳуқуқий давлатга эришмоқ мушкул вазифадир.

Мазкур йўналишда Конституцияда белгиланган ҳолатлар ҳуқуқий давлат моҳиятини бевосита характерлаб беради.

Конституциямизнинг 1-моддасига биноан **"Ўзбекистон — суверен демократик республикадир"**. Суверенитет — ҳар қандай давлатнинг энг муҳим, ажралмас белгиларидан бири эканлигини ҳисобга олсак, янги ўзбек давлатининг мустақиллиги мустаҳкамланганлигини англаш қийин бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат экан, унинг ваколат доирасини Конституцияда белгилаб қўйиш ҳам ҳуқуқий давлат моҳиятини кўрсатади. Чунки давлат ҳуқуқий характерга эга бўлиши учун ўзининг сиёсий, маъмурий-ҳудудий тузилишини, ички ва ташқи масалаларни ҳал этишдаги суверен ҳуқуқларини Конституцияда белгилаб қўйиши лозим. 3-моддада бу фикр ўз аксини топганлигини кўрамиз: **"Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади. Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди даҳлсиз ва бўлинмасдир".**

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан унинг таркибидаги суверен Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги муносабатларнинг Конституцияда белгилаб қўйилиши ҳам демократик ҳуқуқий давлат барпо этилаётганини кўрсатади.

Ҳуқуқий давлат ўз ҳокимиятининг характерини, халқ билан муносабатини, аввало, Конституцияда акс эттиради.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, Конституциямиздаги **"Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир"** деган қоида (7-модда) муҳим аҳамиятга эга. Халқимиз ўз ҳокимиятини бевосита (муҳим масалалар ва қонун лойиҳаларини муҳокама этиш, референдум ва сайловда иштирок этиш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятида қатнашиш кабилар) ва давлат орқали амалга оширади. Чунки **"Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади"** (2-модда). Ўз навбатида ҳуқуқий давлат ўз ваколатларини қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига тақсимлаш асосида амалга оширади (11-модда). Бу қоида давлат органлари тизимининг ҳуқуқ доирасида, демократик тартибда фаолият кўрсатишини билдиради. Конституциянинг 10-моддасида халқ номидан фақат у сайлаган Олий Мажлис ва Президент иш олиб бориши мумкин, деган қоида муҳим сиёсий ва ҳуқуқий аҳамиятга моликдир.

Ҳуқуқий давлатни шакллантириш мақсадида мамлакатимизда Ўзбекистон Конституцияси ва Қонуни устиворлиги тамойили ўрнатилган (15-16-модда). Бу тамойил ўтмишдаги ягона коммунистик партия ва унинг мафкураси ҳамда сиёсий ҳукмронлигига батамом барҳам беришга, ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқнинг устувор мавқеини таъминлашга қаратилган. Шунга кўра, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Ўзбекистонда давлат ўзининг ташқи сиёсатини Конституцияда белгилаб қўйилган йўналишларда амалга ошириши унинг ҳуқуқ доирасида фаолият олиб боришини намоён этади. Шундай экан, Асосий Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти БМТнинг аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида давлатларнинг тенглиги, куч ишлатмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик каби қоидаларга асосланиб иш юритади.

Зафаржон УМУРЗОҚОВ, талаба

Саҳифани Салима ҚИЛИЧЕВА тайёрлади.

БИР ЎЛКАКИ...

Муҳтарам газетхон!

Газетамизнинг ўтган сонида "Адвокат ким?" сарлавҳаси остида бир қатор ҳуқуқшунос ва талаба-ёшларнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этган эдик.

Шундан сўнг биз сиз, ўқувчилардан айни шу мавзудаги кўплаб хатлар олдик. Қуйида муносабат тариқасида ёзилган ана шундай мақолаларнинг бирини ҳавола этишни лозим топдик.

Муносабат

АДВОКАТ ҲИМОЯЧИ...МИ?

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қатори адвокатура олдида ҳам инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий саводхон бўлишига эришиш ҳамда ўзларининг ҳуқуқ ва бурчларига онгли муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш каби долзарб ва масъулиятли вазифа турибди. Зеро, адвокатура демократиянинг энг муҳим шартларидан бири эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

1996 йил 27 декабрда **"Адвокатура тўғрисида"**ги Қонуннинг қайта кўриб чиқилиши ҳамда 1998 йил 28 майда **"Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"**ги Қонуннинг қабул қилиниши адвокатура тизимида туб бурилиш ясади, десак муболаға бўлмайди. Чунки инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи орган мазкур қонун қабул қилинганга қадар ўзи ҳимояланмаган эди. Ана шу икки ҳужжат адвокатуранинг жамиятда тутган ўрни, унинг ҳуқуқий мақоми ва мамлакатда одил судловни амалга оширишда тутган мавқеини янада мустаҳкамлади. Адвокатнинг жамиятда тутган ўрнини белгилашда унинг олдига қўйилган вазифалар моҳияти муҳим аҳамият касб этади.

Адвокат, яъни ҳимоячи фуқароларнинг конституцион ҳуқуқ ва манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилувчи шахсдир. У ўз мижозининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай усул ёки воситалар билан ҳимоя қилувчи шахс эмас, балки қонуний йўл билан ҳимояни амалга оширувчи шахс бўлиб қолмоғи лозим. Бунинг учун эса нафақат адвокат юқорида қайд этилган қонунлар мазмунини яхши билиши, балки ҳуқуқ соҳаларини (жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик ва фуқаролик-процессуал, хўжалик, маъмурий ва ҳоказо соҳаларни) мукаммал билиши ва уларни тўғри талқин қилиши лозим. Қонунларни билиш адвокатнинг энг муҳим қуроли, фақат шундагина адвокат ўз мижозига малакали ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлади, шундагина мижоз ўзи танлаган ҳимоячидан норози бўлмайди. Ана шундай ҳолда адвокатуранинг обрўсига обрў қўшилиши ва унинг мавқеини оширишда ўз ҳиссасини қўшиши мумкин. Адвокатнинг обрўсини оширадиган яна бир омил у ўзига берилган ҳуқуқлардан тўла фойдаланган ҳолда ҳимояни амалга оширишдир.

Адвокат ким ва унинг ҳуқуқ ва бурчлари нимадан иборат, деган саволга жавоб берайлик. Адвокат одил судловни амалга оширишда, ҳақиқатни аниқлашга ёрдам берадиган ҳимоячи (жиноят ишлари бўйича) қонуний вакил (фуқаролик ишлари бўйича). Адвокат ўз мижозининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишга киришар экан, унга нисбатан ғайриқонуний усуллар қўлланилишига йўл қўймаслиги, бунинг учун ўзига берилган барча имкониятлардан тўла фойдаланиши лозим.

Шунингдек, адвокат ўз ҳимояси остида бўлган шахснинг қилмиши қонун бўйича қанчалик тўғри малакаланганига ва шу қилмишига яраша адолатли жазо тайинланишига ёрдам бериши лозим.

Қонуний ҳуқуқлари бузилган шахснинг ҳуқуқини ҳимоя қилишига киришишдан олдин адвокат аввало, уни яхшилаб тингламоғи, кейин эса бузилган ҳуқуқини қайси қонун нормасига асосан тиклаш мумкинлиги ва бунинг учун ҳимояни нимадан бошлаш лозимлигини ўйлаб кўрмоғи лозим. Адвокат суд процессларида ёки дастлабки тергов даврида шунчаки ҳимоячи ёки қонуний вакил иштирокини таъминлаш билан чекланиб қолмаслиги керак. У бу процессларда ўзига берилган барча ҳуқуқлардан фойдалана билиши ва ўз мижозига бирор-бир наф келтириши лозим. Адвокат ана шу жараёнда терговчи, суриштирув олиб борувчи шахс, судья ёки процесснинг бошқа иштирокчилари томонидан ўз мижозининг қонуний процессуал ҳуқуқлари бузилмаслигини ҳам кузатиб бормоғи, агар шундай ҳолга дуч келган тақдирда, қонун йўл қўйган усулда бу ҳақдаги эътирозларини ўз вақтида оғзаки ёки ёзма тарзда билдириши зарур.

Адвокатлар олдига қўйилаётган бирдан бир талаб ҳам шу. Улар хўжакўрсинга иштирок этиб мижозни алдамаслиги, ҳимоянинг аҳамияти, кучини судда ва бошқа ҳимояни амалга ошириш жараёнида намойиш этмоқлари даркор. Орамизда терговчининг, судьянинг кўзига ёмон кўринмаслик, келгусида у билан бўладиган муносабатларига путур етказмаслик мақсадини кўзлаб ишлаб юрганлар ҳам йўқ эмас. Баъзан суд процессида мижозининг қонуний ҳуқуқлари хаспўшланаётганлигини кўриб туриб, судьяга ёки тергов даврида мижозга тергов йўл қўймаган метод ва усуллар билан тергов ҳаракатлари ўтказаётган орган ходимига "қуллуқ" қилиб турган адвокатларни кўриб ичичимдан куйиниб кетаман.

Ахир, адвокатурада юрган бундай қўланкалар кимга керак? Мижоз не умид ва нажот билан бизга ёрдам сўраб мурожаат қилади. Хизмат ҳақи тўлайди ва ёрдам кутади. Баъзан тергов тажрибасида шахснинг қилмишини жиноят кодексининг бир моддаси билан малакаш керак бўлса, баъзи терговчилар бир нечта моддалар билан малакалайдиг, яъни керагидан ортиқча моддалар билан айблайдилар. Ана шундай пайтларда ўз касбига ҳурмат билан қараган, мижози олдида обрўси тўкилмаслигини истаган ҳимоячи, албатта, ортиқча қўйилган айбларга ўз мижосабатини билдирмоғи лозим. Бу дегани шу модданинг ортиқча қўйилганлигини қонун нормаларига асосланган ҳолда исботлаб, инкор этмоғи, агар терговчи бунга эътибор бермаса, ундан юқори турувчи тергов бўлими бошлиғига ёки унинг иши устидан назорат олиб борувчи прокурорга ўз вақтида шикоят ёзиб мурожаат қилмоғи лозим. Агар терговчи ва прокурор унинг фикри билан келишмаса, ўз позициясида мустаҳкам туриб, суд ва бошқа юқори суд инстанцияларида шу фикрини қувватлаши керак. Жиноят-процессуал қонуни бўйича ҳимоячи барча жиноят иши материаллари билан чекланмаган муддатда танишиб чиқиб ўз ҳимоясидаги шахс билан терговчининг хато ва камчиликларини кўрсатиб, унга илтимоснома киритиши мумкин. Агар терговчи буни инобатга олмаса, унинг харакатлари устидан прокурорга шикоят қилиши мумкин.

Яна бир мисол: мижоз тергов ёки суриштирув органи томонидан маълум бир жиноятни содир этганликда гумон қилиниб хибсга олинади. Унинг қавму қариндошлари нажот истаб ҳимоячига мурожаат қилади. Ҳимоячи эса, дархол унинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини берувчи ордерни терговчига тавсия қилиб, у билан ҳоли учрашиб, юрагидаги дардини тинглашга рухсат этишини талаб қилиши керак. Баъзан қонунни яхши билмаган ёки билиб туриб тушунишни истамаган терговчилар адвокатга ўз мижози билан учрашишга рухсат бермай, буни кечиктиришга ҳаракат қиладилар.

Шундай пайтларда адвокат ўзига берилган бу процессуал ҳуқуқ нормасидан унумли фойдаланиши, терговчидан ўзининг ҳуқуқларини таъминланишини талаб қилиши, акс ҳолда прокуратура органларига мурожаат қилиши лозим. Чунки ҳимоячи ўз ҳимоясини тўғри малакали олиб бориши ва ўз мижозига тўғри йўл кўрсатиши учун, энг аввало, унинг юрагидаги дардини яккамаякка учрашиб тинглагани маъқул. Унинг содир этган жиноятига тергов органи томонидан терговнинг дастлабки кунларидан бошлаб тўғри баҳо берилаяптими, йўқми, эътибор қилиши лозим. Мижозига тергов жараёнида ўзини қандай тутиши, унинг айбини оғирлаштирувчи, енгиллаштирувчи ҳолатларини тушунтирмоғи даркор. Баъзан адвокатлар ўз мижозларига кераксиз, уларга келгусида бирор-бир манфаат келтирмайдиган йўлларни ўргатадиларки, бундай ҳимоядан нафратланасан киши. Масалан, айрим адвокатлар айби барча далиллар билан исботланиб турган шахсга ўзини яхши кўрсатиш учун "сен айбингни бўйнингга олмай тур, сени олиб чиқишга мен ҳаракат қиламан", деб ваъда беришади. Ёки аксинча, мижоз тергов эътироф этган даражада айбли эмас. Лекин баъзи адвокатлар буни била туриб, унга "айбни бўйнингга ол, олмасанг бўлмайди, ундай бўлади, бундай бўлади, кейин ундай қилиб бераман, бундай қилиб бераман", деб масалани ғайриқонуний йўл билан ҳал этиш йўлларини ўқтирадилар. Оқибатда, ҳар икки ҳолатда ҳам мижозни ҳимоясиз қолдирадилар. Баъзи адвокатлар эса, шу ишдан натижа чиқмаслигини англаган ҳолда ишсиз ўтирмаслик учун ҳам мижозга турли ваъдалар бериб, уларни беҳуда вақтларини, асабларини, пулларини сарфланишига йўл қўядилар.

Баъзан ўзларининг қонуний талабларини ёқлаб чиқишда адвокатларга бардошлик, қаноатлилик етишмайди. Лекин назаримизда бошлаган ишини охирига етказган адвокат чинакам адвокатдир. Албатта, шу ўринда мижознинг талабидан келиб чиққан ҳоллар ҳам бор. Чунки мижоз номидан иш юритган адвокат унинг розилиги билан ўз фаолиятини давом эттиришга ҳақлидир. Агар мижоз "ишни ана шу ерда тўхтатамиз" деса, адвокат уни давом эттиришга ҳақли эмас. Иш тажрибамизда роса курашиб, тинмай ёзиб, исботлаб келаётган ишимиз ҳал бўлай деган пайтда мижоз шу ерда тўхтатишини талаб қилган пайтлар ҳам бўлган.

Халқимиз назарида, адвокатура фуқароларнинг қонун билан кўрилганадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи, халқ ишончини оқловчи, энг нуфузли орган бўлиб қолмоғи лозим.

Шу боис ҳам Юртбошимиз адвокатура мавқеини прокуратура органлари мавқеи даражасига кўтаришга катта эътибор бериб, зиммамизга улкан маъсулият юкладилар. Президентимизнинг халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқларида адвокатлар шаънига айтилган фикрлар ҳақиқат эканлигини англаган ҳолда "иш услубимизни" ўзгартириш вақти келмадимикин?!. Касбимизнинг мавқеини кўтариш учун ўз устимизда тинмай ишлашимиз, билим ва савиямизни оширишимиз, Конституция ва қонунларга аввало ўзимиз қатъий риоя қилишимиз, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ўз касбий бурчимизни ҳалол ва виждонан бажаришимиз, ўз шаён ва қадр-қимматимизга путур етказадиган ҳатти-ҳаракатларга йўл қўймаслигимиз, адвокатлик сирини сақлашимиз ва энг муҳими, эл назаридан қолмаслигимиз, юрт ишончини оқлаб меҳнат қилишимиз керак.

Назира ҲАМИДОВА, адвокат

Маънавиятимиз сарчашмалари

"АВЕСТО"ДА МЕҲНАТ ТАЛҚИНИ

Яқинда юртимизда қадим тарихимизнинг ноёб намунаси "Авесто" китоби яратилганининг кўп минг йиллик тўйи кенг нишонланди. Дарҳақиқат, "Авесто"да қадим аждодларимизнинг ҳаёти, табиат ва жамият ҳақидаги қарашлари мужассамлашгани, умумбашарий ғоялар тараннум этилгани киши дилида ҳайрат ҳиссини уйғотади. Меҳнатсеварлик ғоясига алоҳида эътибор берилгани ва у зардуштийлик таълимотига кўра эзгу сўз, фикр ва амал тамойилида ўзига хос ўрин тутгани аждодларимизнинг ўткир салоҳияти ҳамда чуқур маънавиятидан дарак беради. Бу тамойилга риоя қилмоқ учун аввало, жамоа манфаати йўлида ҳалол ишламоқ, меҳнатни юксак ахлоқнинг бош мезони деб билмоқ зарур.

Зардуштийларнинг турмуш тарзида оила бошлиғининг оила аъзоларини фойдали меҳнатга ўргатиши қимматли аҳамият касб этади. Ёшларни ҳар жиҳатдан чиниқтириш жисмоний меҳнат, чорвачилик, деҳқончилик ва ҳунармандчиликни ўргатиш билан амалга оширилган. Чунончи, болалар ёшлигидан ерга ишлов бериш, чорва ва дарахтларни парваришлаш, рўзғор қуроллари ясаш ва бошқа зарур юмушларни қунт билан бажаришга ўргатилгани ҳозирги замон таълим-тарбия жараёни учун бениҳоя аҳамиятлидир. Бу эса диёримиз кишилари дилидаги эзгулик илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалганидан далолатдир. Паҳлавий тилидан айтилувчи "Денкард" китобидаги маълумотга кўра, Зардуштнинг онаси Дугдова ёшлигидан рўзғор ишларига шўнғиб кетади: қўйларини яйловга ҳайдайди, жунини қирқади, сигирларини серўт майдонларда боқади. Зардушт эса нор туяларни парваришлашдан ташқари қабилалар орасида юриб яккахудоликни тарғиб этади, заҳмат чекиб турли фанларни, илоҳий илмларни ўрганади.

Меҳнатсеварлик ғояси "Авесто"ни ташкил этувчи тўрттала китобнинг ҳаммасида ёрқин акс этган. Бу ғоя Ахура Мазда билан Зардуштнинг савол-жавоблари ("Вендидод")да бевосита ва бирмунча кенгроқ баён этилса, ибодат қўшиқлари ("Виспарад") да қурбонлик ва бошқа маросимлар айтимлари ("Ясна"), худолар мадҳиялари ва мифологик талқинлари ("Яшт")да муайян воқеалар муносабатлари орқали қайд қилинади.

Барча замонларда ҳаётий эҳтиёж саналган меҳнат зардуштийлар жамияти аҳолисини ташкил қилувчи ижтимоий гуруҳлар (коҳинлар, ҳарбийлар, чорвадорлар, деҳқонлар, ҳунармандлар)нинг ҳар бири учун ҳам ўзига хос заруриятга айланган, балоғатга етган киши (15 ёшга тўлган ўспирин) учун эса ахлоқий-фуқаролик бурчи саналган. Хусусан,

> ***Ғалла ердан униб чиққанда деҳларнинг юраги ларзага келади, ғалла ўриб олинаётганда нола-фарёд чекишади, ҳамир қорилаётганда эса улар маҳв бўлишади***
>
> **"Авесто" китобидан**

деҳқончилик ва чорвачилик касби муқаддас меҳнат ҳисобланган. Бинобарин, олий илоҳ Ахура Мазда иноятига сазовор бўлишнинг энг муҳим шартларидан бири меҳнат ҳисобланган, меҳнат эса чорванинг кўпайиши, яйловнинг кенгайиши ва деҳқончиликнинг ривожланишига йўналтирилган бўлиши шарт. Иккинчидан, бундай меҳнат ёвузлик тимсоли Аҳриман ва унинг кўп сонли ёвуз кучларига қарши курашда асосий таянч ва ғалаба омилларидан бири, деб қаралган. Чунки моддий фаровонлик жамоа кучини ошириб, ғаниллар юрагига ғулғула солган. Демак, деҳқончилик машғулоти қадимий эътиқодга кўра ёвузликни даф этиш воситаси ҳисобланган.

"Авесто"нинг "Вендидод" китобининг дастлабки қисми деҳқончилик ва чорвачиликка бағишланган, айниқса, эътиборлидир. Ушбу тарихий битикда "Деҳқончиликнинг фойдаси тўғрисида" деб номланувчи алоҳида боб мавжуд. Унда "Заминни бахтиёр ва фаровон қилувчи" Инсон меҳнати улуғланади. Замин билан Инсон — Ахура Мазданинг ўзаро муносабатларида олий илоҳ томонидан айтилган қўйидаги сўзлар айниқса ибратлидир: Спитам Зардушт ўнг қўли ва сўл қўли билан, сўл қўли ва ўнг қўли билан ерга ишлов бериб меҳнат қилса, у замин раҳматига мушаррафдир бўлажак". Ўта меҳнаткашлиги ва фидойилиги туфайли шундай буюк раҳматга мушаррафдир бўлган Зардуштнинг ишёқмаслар ҳақидаги саволига Замин қайидагича жавоб беради: "О сен, меҳнат қилмайдиган одам! Сен ҳақиқатдан ҳам, тиланчилар қаторида ёт эшикларга таъзим қилиб, абадул-абад бош эгиб турасаксан. Ноз-неъматларнинг барчаси эса меҳнат қилаётган хонадонга насиб қилади".

Демак, меҳнатдан қочиш ва текинхўрлик инсонни хору зор қилувчи иллат ва ахлоққа зид тубанлик сифатида қаттиқ қораланган. Шунингдек, юқоридаги парчаларда Замин (ер), Инсон ва Меҳнат тушунчалари уйғунлигини тасдиқловчи ҳаёт ҳақиқатини кўрасиз. Зотан, инсоннинг меҳнати туфайлигина замин гўзаллик, эл эса фаровонлик касб эта олади. **"Узоқ вақт экилмаган ёхуд омочни орзу қилган ер"** меҳнат туфайли жонланиб, инсонга мўл-кўл зироат иньом этиши "Авесто"да соҳибжамол қизнинг ўз жуфти ҳалолига қатор фарзандлар ҳадя қилишига қиёсланадики, бундай қиёсий талқин фикр таъсирчанлигини янада оширади. Меҳнатсеварлик ғояси "Авесто"даги мифологик образлар талқинида гоҳ уларнинг нутқлари, гоҳ амалий фаолияти баробарида мадҳ этилади. Жумладан, оламни яратувчи Ахура Мазданинг Ардвисура Анахита, Митра, Оша ва бошқа маъбудалар ҳақидаги таърифу тавсифларида шундай ҳол ёрқин ифодаланади. Ардвисура алқовининг 5-яштида Мазда Зардуштга сўз қотиб, уни "пок сувлари лиммо-лим" бўлган Ардига сиғинишга даъват этади.

Унда сув ва ҳосилдорлик маъбудаси Ардвисуранинг бунёдкорлик ҳиммати бевосита моддий неъматларни кўпайтиришга қаратилгани таъкидланиб, унинг қутлов ва намозга муносиблиги уқдирилади.

"Авесто" маънавиятимизнинг мавжли сарчашмаларидан бири эканига ушбу мисолларнинг ўзи энг ёрқин далилдир. Меҳнат ва меҳнатсеварликка оид қарашлар эса унинг янада ёрқин жиҳати, эзгу ақида ва анъаналарнинг ўлмаслиги гарови ҳисобланади. Қадимий "Авесто"нинг қиммати ҳам шунда.

Наргиз МАҲМУДОВА,
Хоразм вилояти

ЭРТАНИНГ ЭГАЛАРИ ҲАҚИДАГИ КИТОБ

Бугунги кунда истеъдодли ёшлар тарбиясига эътибор бериш, уларни қўллаб-қувватлаш — давр талаби. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён ўтган қисқа фурсат ичида бу борада амалга оширилган кенг қўламли ишлар ҳақида Х.Тўраевнинг "Истеъдодли ёшлар-келажагимиз эгалари" китобида билишимиз мумкин бўлади. Китобда ёш авлод тарбияси, хусусан, йигит-қизларимизнинг юқори малакали мутахассислар бўлиб етишишлари борасида кенг қамровли, изчил фикр юритилади. Шу билан бирга "Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир" деган иборага амал қилинган ҳолда, китобда улуғ бобокалонларимиз ҳаёти ва ижодига алоҳида боб ажратилган бўлиб, улар қолдирган бебаҳо мерос ҳақида фикр юритилади. Зеро, қайсики дарахтнинг илдизлари чуқур ва мустаҳкам бўлса, унинг мевалари ҳам серҳосил, қайсики бино пойдевори мустаҳкам бўлса, у шунчалар баланд ва залворли бўлгани каби фарзандларимиз кечаги кунимиз, тарихимиз ва бебаҳо меросимиз ҳақида қанча кўп билимга эга бўлса, улар эртанги келажакни яратишга ишончли қадам қўяди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг халқаро аҳамияти ва унинг тутган ўрни ҳақида ҳам "Истеъдодли ёшлар-келажак эгалари" китобида атрофлича мулоҳаза юритилади. Китобнинг сўнги бобида эса муаллиф бугунги кундаги баркамол авлодни тарбиялаш, таълим соҳасида ечимини кутаётган бир қанча муаммолар ҳақида тўхталиб, бу муаммолар изчил бартараф қилингандагина мамлакат тараққиёти янада юксалишини таъкидлайди.

А.ЧОРИЕВ,
профессор
Т.ҲАМРОЕВ,
доцент
Н. ЎТАНОВ,
тадқиқотчи.

Оталар дейдики:

Ҳар нарсани ўз номи билан аташга ўрган: бу — илмнинг ибтидоси ва энг муҳимидир.

* * *

Эй оқила аёл! Жуфти ҳалолим доимо ёнимда бўлсин десанг, у сендан кўрган ҳузур-ҳаловат, ноз-карашма, меҳр-муҳаббатни ўзга аёлдан кўрмасин.

* * *

Жисминг руҳингнинг қабрига айланмасин!

* * *

Оломон тўпланган жойда ҳақиқатни эълон қилма!

* * *

Ярамас одамларга мурувват кўрсатиш — ақлсизлик белгиси.

"WESTON" — АҚЛЛИ ЧОЙ (ми?)

ёки "Sprite" чанқоққа ишонтиради... Ўзбек қарияси тамакини тарғиб қилмоқда...

Далага биринчи бор курсдошлари билан чиққан талаба қизнинг сигирнинг мўрашига қараб "ана, сигир сайравотти" деган сўзлари ҳамманинг кулгусига сабаб бўлган эди. "Сигир сайрамайди, — дея беозор танбеҳ беришган эди унга дугоналари. — қушлар сайрайди, сигир эса мўраши мумкин"

Умрида сигирни кўрмаган, унинг мўрашини ҳам эшитмаган шаҳарлик қизнинг ҳолатини тушунса бўлади: у сайраш нимага хос, мўраш қайси ҳайвонга тегишли, қайси ҳайвон маъраши мумкинлиги ҳақида ҳаётий тажрибага эга эмас. Шунинг учун уларга хос овоз чиқаришларни ифодалайдиган сўзларни ишлатишда хато қилди. Яъни мантиқни бузди.

Очиғини айтганда, эфирдаги "WESTON" чойининг янги рекламасини кўриб, юқоридаги мисол ёдга тушди...

5-6 қути ҳар хил "WESTON" чойи эфирдан ўтар экан, унинг мақтови қулоғингизга ғалати эшитилади:

— "WESTON чойи — ақлни чархлайди"

Предметга, нарсага, жонсиз буюмларга "ақлни чархлайди" деган сифат берилишини биринчи бор эшитишимиз. Ҳарқалай, ўзбек тили қонуниятлари энг улуғ, мақтовга лойиқ нарсаларга бўлсин, бундай сифатловларга йўл бермайди. Тил қонунлари бузилдими, бу мантиқ ҳам бузилганини англатади.

Қолаверса, биз уни далада эмас, миллионларнинг дўсту-ҳамроҳига айланган эфир минбаридан эшитяпмиз... Чойни ақлли деб мақтаб бўлмаслигини наҳотки реклама тайёрловчилар билишмаса?!

* * *

"Sprite" рекламаларининг охири ҳамиша деярли битта чақириқ билан тугалланади:

— "Чанқоғингга ишон!"

Эҳтимол, бу чақириқ нўноқ таржиманинг маҳсулидир. Лекин ўзбек тилида "чанқоғингга ишон" бирикмаси ғалати жаранглайди, гўёки "нафсингга ишон" дейилаётгандай. Овқатга, ичимликка даъват қилинаётгандай...

Халқимизнинг минг йиллардан бири шаклланиб келган ахлоқий ақидалари, диний қарашлари ҳамиша нафсингга қарши кураш, инсоннинг жисмига хизмат қиладиган нарсаларга даъват қилма, деб ўргатиб келади. Умуминсоний қадриятлар ҳам нафсни инсонга душман деб билади. Инсонни нафсга ружу қўйишга даъват этмайди.

> ***"Тамаки ва тамаки маҳсулотлари, алкоголли ичимликлар рекламаси чекиш ва алкоголлик ичимликларни истеъмол қилиш жараёнларини намойиш этишдан иборат бўлмаслиги, бу жараён ижтимоий ва спорт ютуғига эришиш учун ёки истеъмолчиларнинг жисмоний ва руҳий ҳолати яхшиланиши учун муҳим аҳамиятга эга, деган таассурот туғдирмаслиги керак".***
>
> **"Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 23-модда.**

Бундан ташқари "Чанқоғингга ишон" — ўта мавҳум бирикма. Иккала сўз мантиқан бир-бирига бирикмайди ва у бирор аниқ маънони ифодаламайди. Реклама тили аниқ, тушунарли, содда бўлиши керак эмасми?

Рекламанинг ахлоқий меъёрлардан чиқиб кетмаслиги, мантиқий қоидаларга риоя этиши, қадриятларни ҳам ҳисобга олиши, аввало, **"Реклама тўғриси"**даги қонун талабидир.

Бир неча сониялардагина эфирдан ўтиб кетадиган реклама тили — мантиқи минг йиллардан бери шаклланган мантиққа, қадриятга қарши бормасин, яъни маҳсулотга хизмат қиламан деб маънавиятга путур етказмайлик — хавотир шу.

* * *

Чорсу бозорига етар-етмас жойда ям-яшил тамаки даласи олдида турган оқ яктак кийган нуроний чол тасвири туширилган улкан полотно бор. Тасвирнинг бир чеккасида "British american tobacco Uzbekistan" ёзуви ва белгиси туширилган. Гўёки нуроний ўзбек чоли ўзимизда етиштирилаётган тамаки маҳсулотига хомашё бўлаётган тамаки экинларини ўзимизники, дея фахр билан тарғиб қилаяпти.

Ўзбек чоли гарчи, тамаки ўзимизники бўлса-да, уни ҳатто ўзгаларга ҳам тарғиб қилмаслигини ҳаммамиз биламиз-ку?!.

Тамаки тарғиботини ўзбекча тўн кийдириб миллийлаштириш, ҳатто зарарли эканлиги ҳаммамизга аёнку ахир. Умуман, миллийлик хусусиятини инсон соғлиғига зарар келтирадиган нарсаларга ҳам тупуклаб ёпиштиравериш миллат қадр-қимматига чанг солишдек бир гапдир.

Чорсудан озгина юрилиб Чорсу савдо маркази рўпарасига борилса, энди каттакон "PINE" сигаретаси полотносига кўзингиз тушади: завқ билан турган эркак ва аёл ёнида "PINE" турибди. Гўёки "PINE" сигаретаси ана шундай завқли дақиқаларни тақдим этади. Дарвоқе, илгари ҳозирги "PINE" рекламаси полотноси турган ўринда мамлакатимиз спортчиларининг икки ёш вакили — Ирода Тўлаганова ва Акобир Курбоновларнинг суратлари бор эдики, ўша ердан ўтаётган ҳар бир ўзбекистонликда бу фахр ва ифтихор туйғусини уйғотар эди. Улар Ўзбекистонни дунёга танитиш учун ҳар бир киши жисмонан соғлом, ақлан етук бўлиши зарурлигини таъкидлаётгандек эдилар. Бу тасвирни кўрган ҳар бир бола уларга ҳавас билан қараб, улардек бўлиш учун ҳаракат қилар эди. Хўш, "PINE" рекламаси кишида қандай туйғуни уйғота олади?

Ҳадра майдони рўпарасида эса от миниб тўсиқлардан сакраётган чавандоз тасвири орқали "MOND" сигаретаси тарғиб қилинаётган улкан полотно бор. **"Реклама тўғрисида"**ги қонунда тамаки маҳсулотларини реклама қилишда уларни истеъмол қилиш кишининг жисмоний қувватини оширади, деган таассуротни уйғотувчи сўзлар ёки ҳолатлардан фойдаланиш ман қилинган. Бу реклама полотноси "MOND" сигаретасини чеккан киши мана бу чавандоздек спорт ютуқларига эришади, деган маънони бермаяптими?

Ҳуллас, ҳозир Тошкент шаҳри кўчаларида сигарета рекламаларига оид тасвирлар анча-мунча кўпайган.

Бизнингча, тамаки маҳсулотлари рекламасига қўйилган қонун талабини мутасадди раҳбарлар назорат қилиб боришса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ахир, ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлидан бормоқдамиз. Қонунларга сўзсиз риоя этиш демократик жамиятнинг дастлабки талабларидан биридир.

Дарвоқе, Тошкент шаҳар ҳокими 1998 йил 16 мартда "Тунги кўнгилочар муассасалар айрим турларининг фаолиятини ва рекламани жойлаштиришни тартибга солиш тўғрисида" қарор қабул қилган эди. Унга кўра, 1998 йил 1 апрелидан бошлаб шаҳар ҳудудида тамаки маҳсулотлари рекламаларини ўрнатиш ва жойлаштириш таъқиқланган эди. Инсонларнинг саломатлигига қаратилган мана шу олижаноб қарор ижросига реклама тайёрловчи ташкилотлар томонидан амал қилинса, нечоғлик хайрлик иш бўларди. Тўғримасми?

Акбар ЖОНУЗОҚОВ

Бозорларнинг тури кўп. Нон бозори, мол бозори, гул бозори, пул бозори... (яъни доллар). Энди бу рўйхатга "севги бозори" дегани ҳам қўшилган.

... Бу ерда ҳам харидордан савдолашиб пул оладилар. Пулнинг ярми "даллол — ташкилотчи", яъни уй эгасига, ярми эса...

Аммо "севги бозорлари"нинг юқоридагилардан бироз фарқи бор. У хуфёна ва яна кўпинча тунда "фаолият" кўрсатади.

Мазкур "савдо шохобчалари"нинг ўз эгаларидан тортиб, "паттачилари"гача бор. Харидор-эркакларнинг бу жойга серқатновлигини айтмайсизми?

ОРИЯТНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Ахлоқ ва қонун

ёки "севги бозорлари" ҳақида

Халқимиз ўзининг шарқона одоби, гўзал хулқи, шарму ҳаёси, нозик диду фаҳм-фаросати билан бутун дунёга машҳур. Уят, ор-номус эса биз учун ҳар қандай бойликдан-да афзал. Ҳаётда ҳар бир қадамимизни ана шундай мезонлар билан ўлчаймиз. Қонунларимизда ҳам ана шундай ахлоқий мезонлар ўз ифодасини топган.

Аммо афсус-надоматлар бўлсинки, гуруч орасида курмак бўлганидек, ана шундай гўзал хулқ соҳиблари орасида ор-номусидан кечиб, ахлоқий тубанлик йўлига кирганлар ҳам учраб қолмоқда. Қўшмачилик ана шундай разолат ботқоғидир.

Шаҳрихон туманида истиқомат қилувчи М. Турсунова аввал ҳам қўшмачилик қилгани учун судланган эди. Лекин бу қонуний жазодан унинг кўзи очилмади. Яна ўзи яшаб турган уйда фоҳишахона очиб, тубанликка юз тутди У қўшниси, О.ни 500 сўм пул учун фуқаро Д.га "қўшиб" қўйди. Уларга шароит яратиб бериб пул ишлади.

Эндигина йигирма беш ёшга кираётган бу навжувон она бир оиланинг дилбар бекаси бўлиши мумкин эди. Аммо тубан ахлоқ туфайли эридан ажралиб, боши очиқ, кўнглининг хоҳлаган кўчасидан юришга ўрганиб қолган бу аёл қўшмачилик орқасидан қўлга тушиб, икки марта суднинг қора курсига ўтирди. Бу гал у кечирилмади. Содир этган жиноятининг жамият учун хавфлилик даражаси, жиноят бойлик орттириш мақсадида паст ниятда содир этилганлиги, аввал ҳам айнан шундай қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортилиб, амнистияга асосан жазони ўташдан озод қилинганлигига қарамай, орадан бир йил ўтмасдан яна қасддан шундай жиноят содир этди.

Андижон шаҳрида яшовчи В. Толибжонова, М. Қосимова, М. Мамасолиева, Р. Азимова, Р. Салимов, М. Боқинбоеваларнинг ҳам ишлари судда кўрилиб, Жиноят Кодексининг 131-моддасининг 1-қисми билан айбдор деб топилиб, турли муддатга ахлоқ тузатиш, жаримага тортиш билан жазоланди.

Ахлоқан тубанликка юз тутган бу қўшимачилар учун орият, номуснинг баҳоси қанча экан деб ўйлайсизми? Ҳеч қанча эмас. Қўшмачилик орқасидан тирикчилик ўтказишга ўрганган бу кимсалар "мижоз"лардан 200-500 сўмдан пул олишган. Наҳотки, ориятнинг баҳоси шунча арзон бўлса? Ахир, тирикчилик ўтказишнинг бундан бошқа йўли йўқми?! Изланган одам тадбиркорликнинг минг бир хил йўли билан тирикчилик ўтказяпти-ку?! Қўшмачилик тирикчилик эмас, аксинча, ахлоқий юзтубанлик, миллат ва халқ шаънига доғ туширишдир. Бу ўринда қонун ўз сўзини айтди. Энди жамоатчилик, эл-юрт, маҳалла-кўй нима деркин?! Мен ўйлайманки, бундай юзиқаролик маҳаллада дув-дув гап бўлиши, маҳалла фуқаролар йиғини, хотин-қизлар қўмиталари ва унинг фаоллари бундай фаҳш ишларга ўз муносабатини билдирмоғи, унинг яна урчиб кетмаслигининг олдини олишлари керак. Чунки бундай ишлар ёшларнинг маънавий-ахлоқий камолига салбий таъсир кўрсатишини ҳар доим ёдда тутиш лозим.

Масариддин ҲАСАНОВ,
Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг раиси

КЕЛИНГ, УЛИШАЙЛИК

— Кайфим бир меъёрга етганини қандай аниқлайман, биласанми?

— Йўқ.

— Хотиним ўзимга ёқа бошлайди...

* * *

Автобусда бир эркак йўловчи қизга мурожаат қиляпти:

— Билетга узатиб юборинг, ойимтилла.

Қиз хаёлида: Ойим тилла дегани тилла балиқ, балиқ — чўртан, чўртаннинг тиши бор, демак — ит, ит бўлса — қанжиқ дегани"

— Ўртоқлар, — бақирди у, — мени "Фоҳиша" деяпти манави одам!

* * *

Автобусда кетаётган эркак гул кўтариб кетаётган бошқа бир эркакни кўриб, ўзича ўйлайди: "Гул кўтариб кетяпти. Демак, хушториникига. Мен ҳам хушторимникига кетяпман. Мен хушторимникига кетаётган бўлсам, демак, у менинг хотинимга кетяпти. Хотинимнинг иккита хуштори бор. Петя билан Васька. Петя бугун ишлайди. Демак, бу одам — Васька".

— Салом, Вася!

— Ие, мени қаёқдан танийсиз?

ЧАҚИРИЛМАГАН "МЕҲМОН"ЛАР

Шаҳарга оқшом чўккан эди. Нормуҳаммад ака уйининг зинапоядаги эшигини ярим очиқ қолдириб, телевизор қаршисига ўтирди. Ҳозир эслай олмайди, қандайдир кўрсатув берилаётганди. Шу пайт уни кимдир чорлагандай бўлди. Нормуҳаммад ака остонада турган икки ўспирининг кўзи тушди. Улар уй соҳиби билан саломлашиб:

— Амаки, вилоятданмиз. Кечқурунги поездда уйга қайтмоқчи эдик. Агар рухсат этсангиз, поезд жўнагунча уйингизда ўтириб турсак, дея илтимос қилишди.

Нормуҳаммад ака Ахтамовни маҳаллада оқ кўнгил инсон сифатида яхши билишади. Бировга озор берадиган одамлар хилидан эмас. Шу боис ёш йигитчаларни уйига таклиф қилди.

— Майли, ўтириб турингланг. Кечки пайт кўчада ҳар хил одам учраши мумкин, — деди у.

Шўрчи туманининг Элбаён қишлоғида яшовчи 16 яшар Бойир Тўрақулов ва унинг шериги Тўлқин Мўминовлар хонадонга киришди. Аслида бу икки ўспирининг мақсади бошқа эди. Бойир ҳожатхонага кирди. У ердан қўлига илашган арматура бўлагини яширинча Тўлқинга узатди. Нормуҳаммад ака ҳозир содир этиладиган қабиҳликдан бехабар, бамайлихотир телевизор кўришни давом эттирарди.

У орқа тарафдан елкасига тушган арматура зарбидан ўриндиқдан қулаб тушди. Бойир ва Тўлқин ерга йиқилган "амаки"ни калтаклаб кетишди. Мезбон ҳушидан кетгач, меҳмонлар уй ичини тинтишга киришдилар. Шкаф ичидан 4000 сўм пул топишди.

— Тузукроқ қара, яна бордир! — дея буюрди Тўлқин шеригига қараб. Ковланмаган жой қолмади. Газхона ичидаги кўримсиз тугун улар нигоҳига тушди. Рўмолчани очиб қарашса, ичида 180 минг сўм пул бор экан. Уни кечқурун Нормуҳаммад аканинг аёли савдо пулини олиб келиб, шу ерга қўйганди.

— Санаб ўтирма. Фурсат йўқ. Йўлда санармиз. Кетдик! — деди Тўлқин. Чақирилмаган меҳмонлар уй соҳибининг 184 минг сўм нақд пулини олиб ўзларини зимистон қарига уришди...

Ўғриларнинг омади чопти. Шундоқ кўчага чиқиша солиб, бир "Тико" машинасига дуч келишди.

— Шўрчига олиб борсангиз, 15 минг сўм берамиз, — деди Бойир. Ҳайдовчи кутилмаган савдога дарҳол рози бўлганича уларни Элбаён қишлоғига элтиб қўйди. Эртаси ҳар иккала ўғрилар кечаги босқинчилик туфайли қўлга киритилган пулга Қумқўрғон бозоридан кийим-кечаклар харид қилишди. Аммо янги либосларни кийиб олишга улгуришмади. Тезкор гуруҳ жиноятчиларни қўлга туширган эди...

Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Оналик бахти

- *Пудрат!*
- *Ижара!*
- *Контрактация!*
- *Маҳсулот етказиб бериш!*
- *Олди-сотди!*
- *Кредит!*

· *Экспорт ва импорт шартномалари қандай тузилади, ижроси қандай таъминланади дейсизми — барчаси юзасидан Адлия вазирлигига мурожаат этишингиз мумкин.*

Адлия идоралари ходимлари барча хўжалик шартномаларининг тузилишига ҳуқуқий ёрдам кўрсатади. Натижавий шартномалар турларидан кенг фойдаланишни тавсия этади. Улар ижроси ҳаққ доим назоратда бўлади.

Мурожаат учун манзилгоҳ: **Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5 уй. Телефонлар: 136-79-24, 136-26-99.**

ҚОНУНИЙ ТУЗИЛГАН ШАРТНОМАЛАР ТИЖОРАТИНГИЗ КАФОЛАТИДИР.

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ҳусан ИБРОҲИМОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-3043. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.00

Навбатчи: Ш. НИШОНОВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: Д. БЕКМУРОДОВА
Компьютер операторлари: М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.